



HUQUQ

1997-yil 27-avgustdan chiqib boshlagan

www.huquq.uz

2020-Y. 13-AVGUST, №32 (1229)



ФАРМОН ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

Жорий йилнинг 12 август кuni Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги анжуманлар залида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижроси муҳокамасига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда Бош прокуратура ходими ҳам иштирок этиб, фармонда белгиланган вазифалар атрофлича муҳокама қилинди.

DOLZARB

КИМГА ТАШВИШ, ДАРОМАД

Синовли кунлар бошланиши билан қатор идора ва ташкилотлар зиммасига аҳоли орасида коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш, унинг иқтисодийга таъсирини юмшатиш, озиқ-овқат, дори-дармон ва тиббий буюмлар нархининг барқарорлигини таъминлаш вазифаси юклатилди.

Бу борада маълумот олиш учун Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасига мурожаат қилдик.

— Албатта, бутунги кунда нафақат бизнинг республика-мизда, балки бутун дунёда вазият жиддий. Афсуски, минглаб юртдошларимиз коронавирус инфекциясини юктирган. Юзлаб фуқаролар ушбу касаллик қурбонига айланди.

Вазиятдан келиб чиққан ҳолда прокуратура, Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва солиқ органлари аҳолига озиқ-овқат ва дори-дармон етказиб берилиши ҳамда уларнинг нархи устидан кунилик назорат ўрнатди. Масалан, бу борада ўтказилган

тадбирларнинг бирида 4 та ҳолатда қарийб 126 млн. сўмлик озиқ-овқатлар аҳолига киммат нархда сотилишининг олди олинди.

Аҳоли хавфсизлигини таъминлаш чоралари кўрилаётганига қарамай карантин талабларига риоя қилмаслик, ҳуқуқбузарлик содир этиш ҳолатлари камаймаяпти.

Айтайлик, июнь ойига-ча карантин қоида-сини бузиш бўйича 2 та жиноят иши, 7 мингдан ортиқ маъмурий иш кўзга тилинган. Автотранспортни руҳсатномасиз бошқариб юрган 400 нафарга яқин шахс маъмурий жавобгарликка тортилган.

Кези келганда яна бир масалага гўхтаб ўтишни истар-

дим. Прокуратура органлари томонидан карантин даврида бюджет ташкилотлари ходимларини меҳнат таътилга чиқаришнинг қонунийлиги ўрганилганда 500 га яқин ноқонуний буйруқ қабул қилинганни аниқланди. Албатта, улар прокурор протестига асосан қонунга мувофиқлаштирилди ва 467 нафар ходимнинг бузилган ҳуқуқи тикланди, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси бўлим бошлиғи Раҳманберди ЖАЛЕЛОВ биз билан суҳбатда.

Ҳа, бутун халқимиз кийин даврни бошдан кечирмоқда. Аммо, ишончимизки, бу кунлар ҳам ўтади ва одатий ҳаёт тарзига қайтамиз. Бунинг учун карантин тартибига қатъий амал қилишимиз лозим. Аҳил бўлсак офатни енгишимиз осонлашади.

Парахат ҲАБИУЛЛАЕВ,
«Huquq»

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ СУД-ТЕРГОВ ФАОЛИЯТИДА ШАХСНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КАФОЛАТЛАРИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнги йилларда мамлакатимизда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, унинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, суд ишларини юриштининг барча босқичларида тарафларнинг тортишув тамойили қўлланилишини янада кенгайтириш ҳамда ушбу соҳада халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибани жорий этишга қаратилган бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Шу билан бирга, суд-тергов амалиётини таҳлил қилиш ва фуқаролар мурожаатларини ўрганиш натижалари жиноят процессида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш бўйича механизмлар тўлиқ ишга солинмаганлигидан, шунингдек, қонунчиликда жиноят ишларини тергов қилиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ваколатларини аниқ белгилаш билан боғлиқ бўшлиқлар мавжудлигидан далолат бермоқда.

Мамлакатимизда жиноят ишларини тергов қилиш фаолиятини халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибани инobatта олган ҳолда яхшилаш, қонун устуворлиги ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларини рўйга чиқариш, жиноят-процессуал қонунчилигини янада такомиллаштириш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар суд-тергов фаолиятини янада такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

— шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, процессуал ҳаракатларнинг сифатини ошириш, жиноят процессида далилларни тўплаш ва мустаҳкамлаш, уларга баҳо бериш тизимини илғор хорижий тажрибада кенг қўлланиладиган исботлаш стандартларини инobatта олган ҳолда қайта кўриб чиқиш; ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятларни фoш этиш борасидаги фаолиятини янги босқичга олиб чиқиш, содир этилган ҳар бир жиноят учун жавобгарликнинг муқаррарлигини ҳамда шахс, жамият ва давлатга етказилган зарар тўлиқ қопланишини таъминлаш;

— шахсга нисбатан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш билан боғлиқ қилмишлар содир этилишининг олдини олиш бўйича самарали механизмларни жорий қилиш, шунингдек, бундай қилмишлар учун жавобгарликни кучайтириш; жиноят ишларини тергов қилиш қараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, суриштирув ва дастлабки тергов органларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва кадрлар салоҳиятини ошириш;

— жиноятчиликнинг олдини олиш тизими самарадорлигини ошириш, шунингдек, жиноятларнинг келиб чиқиши сабаблари ва шарт-шароитларини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва уларда қонунга итоатгўйлик руҳини шакллантириш механизмларини жорий қилиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Адлия вазирлиги ва Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказининг жиноятларни фoш этиш фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи таклифларига розилик берилсин:

— тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ходимлари томонидан гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчидан ариза, тушунтириш ёки кўрсатувлар олишни мазкур жиноят иши юришда бўлган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судьянинг ёзма руҳсатига асосан ва фақат ҳимоячи иштирокида амалга ошириш (белгиланган тартибда ҳимоячидан воз кечилган ҳоллар бундан мустасно);

Давоми 3-бетда



2020 йил 12 август
соат 17:00 ҳолатига



Касалланганлар
32 465 нафар



Соғайганлар
25 106 нафар



Вафот этганлар
210 нафар

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ВА БАНДЛИК

Бозор муносабатлари шароитида муқим иш ўрнига эга бўлиш оила бюджетини мустаҳкамлаш билан бир қаторда аксарият ижтимоий муаммоларнинг бартараф этилишида ҳам муқим аҳамиятга эга.

Бухоро вилояти прокуратураси органлари томонидан аҳолининг бандлигини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси доимий назорат қилиниб, янги иш ўринлари яратиш ҳамда меҳнат қонунчилиги талабларига риоя этилиши юзасидан назорат тадбирлари амалга оширилмоқда.

Таҳлилларга кўра 2020 йил 1 июлгача вилоят аҳолиси 1 млн. 926 минг киши бўлган, шундан 1 млн. 84 минг нафари меҳнат ресурси ҳисобланади, уларнинг 368 минг 39 нафари расмий секторда, 423 минг 218 нафари норасмий секторда ишлайди. Вилоятда 82,3 минг киши ишга жойлаштишга муҳтож бўлиб, ишсизлик даражаси 9,4 фоизга тенг.

Аниқланишича, 2020 йилнинг 6 ойда 29 514 киши бандликка кўмаклашувчи марказларга иш сўраб мурожаат қилган, шундан 8658 нафари ишга жойлаштирилган, 1742 нафари ишсиз деб эътироф этилиб, 1013 нафарига ишсизлик нафақаси тайинланган. Мазкур даврда 1767 нафар шахс (765 та аёл) квоталанган иш ўринларига жойлаштирилган.

Меҳнат бозоридagi эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда 757 киши (626 та аёл) касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлашга юборилган.

Прокуратура органлари кўмағида вилоятда 38 марта бўш иш ўринлари ярмакиси ўтказилиб, уларда 1340 та корхона ва ташкилот 12 629 та бўш иш ўрни билан катнашган.

Прокуратура 280 та камбағал оилани оталиққа олган.

Ярмаркаларга 3528 нафар ишсиз фуқаро жалб қилиниб, 897 нафарига ишга жойлаштириш учун йўланма, 2079 нафарига маслаҳат берилган.

Прокурорларнинг ёрдами билан 245 фуқаро ишга жойлаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги «Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлаш бўйича пандемия даврида ҳақ тўланадиган жамоат ишлари учун вилоятдаги иш берувчилар томонидан июль ойи учун 6901 нафар фуқарога 5 млрд. 221 млн. сўмлик, шундан жамоат ишлари жамғармасидан 2020 йилда меҳнат бозорига кириб келаётган ёшларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида 2738 нафар ёшлар учун 1 млрд. 803 млн. сўмлик буюртмалар қабул қилинган.

Шунингдек, «Саховат ва кўмак» умумхалқ харакати доирасида «темир дафтар»га киритилган эҳтиёжманд оила аъзолари, шу жумладан ишсизлар saxovat.argos.

uz ахборот тизимида киритиб борилиб, уларни иш билан таъминлаш ва тадбиркорликка жалб қилиш орқали камбағаллар рўйхатидан чиқаришга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Жумладан, 2-сектор ҳудудида 121 882 та оила мавжуд бўлиб, улардан 6993 таси камбағал оилалар рўйхатига киритилган. Уларга 6 млрд. 107 млн. сўмлик ёрдам кўрсатилган ҳамда прокуратура томонидан 280 та оила оталиққа олинган, уларга 1 млн. сўмдан пул берилган.

Вилоят прокурори секторига рўйхатдаги ишсизлар билан индивидуал ишлаш йўлга қўйилиб, иш билан таъминланган шахсларнинг аниқ ҳисобиши юритиш ва бу борадаги ҳисоботлар ҳаққонийлигини таъминлаш мақсадида bandlikprokuratura.uz дастури яратилиб, амалиётга таътиб этилган.

Шунингдек, фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш давомида уларни ишга жойлаштириш чоралари кўрилмоқда.

Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларнинг ўз вақтида тўланиши ҳам назорат қилинмоқда. Аниқланган камчиликлар бартараф этиляпти. Масалан, Бухоро шаҳар «Тўқимачи» МФЙда ўтказилган текширувда 2018 йилнинг июнь ойидан 2019 йилнинг ноябрь ойига қадар фуқароларга асоссиз равишда 18 млн. сўмдан ортик нафақа бергани аниқланди. Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, МФЙ раиси Х.Ҳамдамовга айб эълон қилинган ҳамда жиноят иши Бухоро шаҳар судига юборилган.

Вобкент туман Хўжаробот қишлоғида яшовчи Қ.Ражабованинг нафақа тайинлашни сўраб ёзган аризаси мутахассисларни жалб қилган ҳолда 9 июнда кўриб чиқилиб, прокуратура аралашуви билан 1 июлдан бошлаб нафақа тайинланган.

Шу каби Ромитан туман Қиётон қишлоғида яшовчи Н.Мажидовага «Фарида Фаранги» МЧЖдан 1 млн. 500 минг сўм ва Қоқиштўвон қишлоғида яшовчи Ф.Абулов ва бошқаларга «Ахтам Озод курилиш» МЧЖдан 6 млн. сўм иш ҳақини олишида ёрдам кўрсатилган.

Биргина вилоят прокуратураси томонидан 2020 йилнинг ўтган даврида 13 та мурожаат атрофича ўрганилиб, 111 млн. 108 минг сўмлик иш ҳақи ундириб берилди.

Шунингдек, корхона ва ташкилотларнинг иш ҳақидан қарздорлиги доимий равишда мониторинг қилиниб, қарздорлик юзга келишининг олдини олиш чоралари кўриб боришмоқда.

Дилшод ЗАРИПОВ,
Бухоро вилояти прокуратураси бўлим катта прокурори



ЯНГИ ЭЛЕКТРОН НАЗОРАТ ДАСТУРИ

Мамлакатимизда жазони ижро этиш тизими такомиллаштирилмоқда. Маҳкумларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қайта жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш чоралари кўрилмоқда. Шу мақсадда Фарғона вилояти прокуратурасининг ташаббуси билан вилоят ИИБ пробация бўлимида «Маҳкумларни электрон назорат қилиш механизми» дастури ишга туширилди.

Дастурнинг афзалликларини аввало пробация хизмати ходимларининг маҳкумлар билан олиб бораётган ишлари, назорат тадбирлари ўз вақтида амалга ошириляётганида кўриш мумкин. Муҳими, маҳкумлар бекор қолаётгани йўқ. Ҳозиргача 43 нафар маҳкум ишга жойлаштирилиб, чегирма пулининг давлат бюджетига йўналтирилиши таъминланди.

Маҳкумларни тадбиркорликка жалб этишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Хусусан, июль ойида Бувайда тумани ИИБ пробация хисобида турувчи М.Қаҳҳоровга 190 млн. сўм кредит ажратилган. У шу пул ҳисобига ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, беш кишини ишга жалб қилган. Шунингдек, Куvasой шахрида пробация хис-

бида турган А.Абдуқодировга енгил конструкцияли иссиқхона қуриш учун кредит берилган.

Электрон назорат механизми маҳкумларнинг жазони суд ҳукми талабларига биноан ўтаётганини баҳолаб бориш имконини бермоқда. Жазони белгиланган талабларга тўлиқ амал қилиб ўтаётган маҳкумларнинг 26 нафари муддатидан аввал шартли равишда озод қилинди. Аксинча, судлар жазо ўташдан мунтазам равишда бўйин товлаб келган 18 кишининг жазосини оғирроқ жазога алмаштирди.

Обиджон СОБИРОВ,
Фарғона вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи

ҚАТЪИЙ ИНТИЗОМ

Бугунги карантин даврида аҳолини сифатли озиқ-овқат билан таъминлаш, нархлар барқарорлигини назорат қилиш юзасидан Бош прокуратура ҳузуридаги департаментнинг Хоразм вилояти бошқармаси, унинг ҳудудий бўлимлари, вилоят прокуратураси, маҳаллий ҳокимликлар ва бошқа ташкилотлар томонидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Хоразм вилояти ҳокими фармойишининг ижроси назорат қилиб бориляпти. Вилоятда мол гўштининг 40 минг сўмдан сотилиши таъминланмоқда, нархни асоссиз равишда оширган тадбиркорлар билан профилактик суҳбатлар ўтказилмоқда.

Масалан, Янгйобозор туманида тўртта тадбиркорнинг дўконидида гўштининг килоси 40 минг сўмдан сотилиши таъминланиб, битта тадбиркор асоссиз равишда нархни оширгани сабабли фаолияти тўхтатилди.

Шунингдек, департаментнинг Гурлан тумани бўлими томонидан сектор раҳбарлари билан ҳамкорликда 17 та гўшт дўконидида нархлар ўрганилди. Иккита тадбиркор гўштни қиммат баҳода сотгани ва ноқонуний харидни ташкил этгани аниқланди. 79 кг гўшт касал бўлиб уйда даволанаётган беморларга тарқатилди. Гўштни қиммат сотгани сабабли тўртта тадбиркорнинг фаолияти тўхтатилди.

Бу каби назорат тадбирлари барча ҳудудларда давом эттирилмоқда.

Учқун МАДРАХИМОВ,
департаментнинг Хоразм вилояти бошқармаси бўлим бошлиғи

СУД-ТЕРГОВ ФАОЛИЯТИДА ШАХСНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КАФОЛАТЛАРИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Давоми. Бошланиши 1-бетда

жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсни ушлаб туриш мuddатини у ҳақиқатда ушланган вақтдан бошлаб ҳисоблаш;

шахс амалда ушланган ёки уни жиноят устида ушлаб туриш боғлиқ тезкор тадбир амалда яқунланган ёхуд гумон қилинувчи деб эътироф этилганлиги ҳақидаги қарор унга маълум қилинган пайтдан бошлаб у билан боғлиқ процессуал ҳаракатларни ўтказишдан олдин унинг адвокат билан холи учрашиши таъминланиши шартлигини белгилаш;

айбига иқдорлик бўйича қилишув инстинтини жорий қилиш. Бунда, айрим жиноятлар тоифалари бўйича шахс айбини бўйинга олиш тўғрисида арз қилган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган ва келтирилган зарарни бартараф қилган ҳолларда суриштирув ва дастлабки тергов органлари билан ёзма қилишув тузилиши ҳамда унга нисбатан суд томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган энг кўп жазонинг яримдан кўп бўлмаган миқдори ва (ёки) мuddатига жазо тайинлаш;

жиноят ишини судга қадар юритиш босқичида гувоҳ ва жабрланувчини оғир касаллиги ёки узоқ мuddатда чет давлатга чиқиб кетиш зарурати туфайли кечроқ сўроқ қилиш имконияти бўлмаган тақдирда, уларнинг кўрсатувларини гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи, гувоҳ, прокурор ёки адвокатнинг илтимосномасига кўра суд томонидан тарафларнинг иштирокида олдидан мустақамлаб қўйиш (депонирование) тартибини жорий қилиш;

ўта оғир жиноят содир этганликда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларга оид ишлар бўйича, шунингдек, шахсга нисбатан қамоққа олиш ёки уй қамоғи тартибидеги эҳтиёт чорасини қўллаш масаласи кўриб чиқилаётганда ҳимоячининг иштироки эътиборга олинганлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Адлия вазирлиги ва Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази билан биргаликда икки ой мuddатда мазкур бандда назарда тутилган масалалар юзасидан тегишли қонун лойиҳасини қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Адлия вазирлиги ва Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказининг жиноят ишларини судда кўришни янада такомиллаштириш бўйича қўйидагиларни назарда тутувчи таклифларига розилик берилсин:

агар суд тергови вақтида судланувчининг унга илгари айблов қўйилмаган жиноятини содир этганлигини кўрсатувчи ҳолатлар аниқланса, судланувчини янги айблов бўйича жиноий жавобгарликка тортиш асосларини аниқлаш ҳақида илтимосномани судга киритиш ҳуқуқини иш бўйича барча тарафларга бериш;

агар суд тергови вақтида жавобгарликка тортилмаган шахс томонидан жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи ҳолатлар аниқланса, ушбу шахсни ишда айбланувчи тартибидеги иштирок этишга жалб қилиш учун асосларни аниқлаш ҳақида илтимосномани судга киритиш ҳуқуқини иш бўйича барча тарафларга бериш;

шахсга эълон қилинган айблов, жиноят иши суднинг қайси инстанциясида қўрилаётганлигидан қатъи назар, ярашув институти доирасига тушадиган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмининг моддаси ёки қисмига ўзгартирилган ҳолларда ярашув институтини қўллаш тартибини жорий қилиш;

судланувчининг жиноят содир этилишига дахли бўлмаганлиги асоси билан оқлов ҳукми чиқарилган ҳолларда жиноятни ҳақиқатда содир этган шахсни аниқлаш ва айбланувчи тартибидеги ишга жалб қилиш учун жиноят ишини прокурорга юбориш тартибини ўрнатиш.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Адлия вазирлиги ва Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази билан биргаликда икки ой мuddатда мазкур бандда назарда тутилган масалалар юзасидан тегишли қонун лойиҳасини қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин.

4. Қўйидагилар тақдирлансин: терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов органлари ходимлари томонидан шахсни гайриқонуний ҳаракатлар содир этишга ундаш ва бундай ундаш оқибатида содир этилган жиноят учун уни айблаш. Бунда, тезкор-қидирув тадбирлари натижалари фақат улар қонун талабларига асосан олинган ва шахсда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ёки тезкор тадбирда иштирок этган бошқа шахсларнинг ҳаракатларига боғлиқ бўлмаган ҳолда жиноят содир этиш учун шакланган қасд мавжуд бўлгандагина суд ҳукмида далил сифатида тан олинмиши мумкин;

шахсни жиноят ишида гумон қилинувчи ёки айбланувчи сифатида жалб қилиш учун асослар мавжуд бўлган ҳолларда (экспертиза ёки тафтиш ўтказиш талаб этилаётган ҳоллар бундан мустасно), уни гувоҳ тариқасида сўроқ қилиш, шунингдек, унга гумон қилинувчи ёки айбланувчининг процессуал ҳуқуқлари тушунтирилганига қадар ундан бирон-бир ёзма ёки оғзаки кўрсатувлар олиш;

ушланган гумон қилинувчи ёки айбланувчининг яқин қариндошларини процесс иштирокчиси сифатида жалб қилиш учун асослар мавжуд бўлмаган ҳолларда уларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга чакриши ва сўроқ қилиш;

суриштирув ва дастлабки тергов органлари ходимлари томонидан мазмунан кўриб чиқиш учун судга юборилган жиноят иши доирасида судланувчи, жабрланувчи, гувоҳ, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва бошқа суд процесси иштирокчиларини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга чакриши ёки сўроқ қилиш (улар билан боғлиқ бўлган алоҳида иш юритувга ажратилган жиноят иши ёки суднинг ёзма топшириғи мавжуд ҳоллар бундан мустасно).

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Адлия вазирлиги ва Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази билан биргаликда икки ой мuddатда мазкур бандда назарда тутилган масалалар юзасидан тегишли қонун лойиҳасини қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

терговга қадар текширув ёки терговда ушланган шахсни ва озодликдан маҳрум қилиш жойларида жазони ўтаётган маҳкумни тиббий кўриқдан ўтказиш, шунингдек, вақтинча сақлаш ва тергов ҳибсхоналарида сақланаётган гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчини гувоҳлантириш уларнинг ёки адвокатининг илтимосномасига асосан 24 соат ичда вақтинча сақлаш ва тергов ҳибсхоналари ёки жазони ижро этиш муассасалари тасарруфида бўлмаган тиббий муассасалар ходимлари томонидан амалга оширилиши шарт, бунда ҳаражатлар илтимоснома киритувчи тараф ҳисобидан қўлланади;

оғир ёки ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати туғулганмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар ярашылганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилмаслигига оид қонда вояга етмаганлар, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари, аёллар, олтимиш ёшдан ошган эркеклар ва эҳтиётсизлик орсидега жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўлланилмайди;

вояга етмаганлар, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари ҳамда пенсия ёшига етган шахсларга нисбатан уй йилдан ортиқ бўлмаган мuddатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган қасддан содир этилган жиноятларга доир, шунингдек, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, бунинг учун беш йилдан ортиқ бўлмаган мuddатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича қамоққа олиш қўйилмайди.

ятларга доир ишлар бўйича қамоққа олиш тартибидеги эҳтиёт чорасини қўллашга йўл қўйилмайди.

6. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Давлат хавфсизлик хизмати ва Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда бир ой мuddатда жиноят ишининг терговга тегишлилиги институтини янада такомиллаштириш бўйича қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин.

Бунда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида назарда тутилган ҳолларда жиноят иши бир суриштирув ёки дастлабки тергов органидан бошқасига ўтказилиши фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура ва унинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан амалга оширилиши мумкинлигини назарда тутсин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура, Давлат хавфсизлик хизмати раиси, ички ишлар вазири, Миллий гвардияси қўмондонидан Давлат божхона қўмитаси раисининг алоҳида эътибори жиноят ишларининг терговга тегишлилиги тўғрисидаги жиноят-процессуал қонунчилик нормаларига сўзсиз риоя этилиши учун жиноят ишларини тергов қилиш ваколатига эга бўлган тегишли тузилмалар раҳбарлари шахсан жавобгар ҳисобланишига қаратилсин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура жиноят ишларини терговга тегишлилигига оид қондаларга сўзсиз риоя этилишини таъминлаш бўйича тизимли чоралар кўриб борисин.

7. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

“Электрон жиноий-ҳуқуқий статистика” ягона ахборот тизимида яратилган жиноятга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотларни электрон рўйхатга олиш ва уларни кўриб чиқиш натижаларининг ягона электрон ҳисобини юритиш имконини берувчи дастурий модулни барча терговга қадар текширувни амалга оширувчи органларга улаштириш ва 2021 йил 1 январдан бошлаб тўлиқ ишга туширилишини;

уч ой мuddатда жиноятлар ҳақидаги ариза, хабар ва бошқа маълумотларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш, шунингдек, терговга қадар текширув ҳаракатларини ўтказиш тартибини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратураси, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардияси ва Давлат божхона қўмитаси Молия вазирлиги билан биргаликда 2021 йил 1 июнга қадар:

суриштирувчи ва терговчиларни видео-тасвирга олиш воситалари билан таъминлаш;

тергов ҳисхоналари ва жазони ижро этиш муассасаларини тергов ҳаракатларини видеоқонференцалоқа режимида ўтказишда фойдаланиладиган техник воситалар ва ускуналар билан тўлиқ жиҳозлаш ва уларнинг узлуksиз ишлашини таъминлаш чораларини кўрисин.

9. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Ички ишлар вазирлиги:

2021 йил 1 январга қадар Тошкент шаҳар прокуратураси тергов бўлиналари ва Ички ишлар бош бошқармаси тергов бошқармасининг фаолиятини халқаро стандартлар ва илгор хорижий тажрибага мувофиқ намунавий тарзда ташкил этсин. Бунда, уларни замонавий криминалистик ускуналар билан жиҳозланган автотранспорт воситалари, процессуал ҳаракатларни аудио ва видеога қайд этиш тизимлари ҳамда стенография юритиш ускуналари билан таъминлашга, шунингдек, хизмат биносидега махсус тергов ҳамда гумон қилинувчи ва айбланувчининг ҳимоячи билан холи учрашиш хоналарининг мавжудлигига алоҳида эътибор қаратилсин;

2021 йил якунига қадар тергов бўлиналарининг намунавий фаолиятини ташкил этишнинг натижаларини инобатга олган ҳолда бундай тажрибани бошқа барча суриштирув ва дастлабки тергов тузилмаларида жорий этиш бўйича Ўзбекистон

Республикаси Президенти Администрациясига таклиф киритсин.

Белгилаб қўйилсинки, ушбу Фармоннинг 8 ва 9-бандларида назарда тутилган тадбирлар билан боғлиқ сарф-харажатлар тегишли давлат органларининг бюджетдан ташқари маблағлари ва халқаро ҳамкорлар кўмағи ҳисобидан ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси:

бир ой мuddатда Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда тергов соҳасида малакали кадрларни тайёрлашга ихтисослашган олий таълим муассасасини ташкил этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

икки ой мuddатда прокуратура органларини белгиланган штат бирлиги доирасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳар прокуратуралари тизимида прокурор-криминалист лавозимини жорий этиш;

уч ой мuddатда Давлат бюджети параметрларида прокуратура органлари учун ажратилган маблағлар доирасида ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан прокурор-криминалистларни замонавий махсус жиҳозлар билан таъминлаш чораларини кўрисин.

11. Ушбу Фармонда белгиланган чора-тадбирларнинг самарали ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсатида бир ой мuddатда:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура (Йўлдошев), Давлат хавфсизлик хизмати раиси (Азизов), ички ишлар вазири (Бобожонов), Миллий гвардияси қўмондонидан (Джуроев) ва Давлат божхона қўмитаси раиси (Азимов) – республика ва вилоятлар даражасидаги ҳайвот йиғилишларини он-лайн тарзда ўтказиб, унда суриштирув ва дастлабки тергов тузилмалари раҳбарлари ва масъул ходимларига суд-тергов фаолиятида шахсининг ҳуқуқ ва эркинлигини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш бўйича янги қабул қилинган чоралар мазмун-моҳияти этикатилиши ва амалиётга тўғри татбиқ этилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси (Камилов) – Олий суд Пленумининг навбатдан ташқари йиғилишида қабул қилинган Фармон нормалари судларда тўғри татбиқ этилиши, шунингдек, суд-тергов фаолиятида шахсининг ҳуқуқ ва эркинлигини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш устида суд назоратини кучайтириш масалаларини кўриб чиқсин;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳазуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори (Ҳоджаев) Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Миллий телерадиокомпанияси ва “Дунё” ахборот агентлиги билан биргаликда – оммавий ахборот воситалари, маҳаллий ва хорижий экспертлар ҳамда фуқаролик жамияти институтиларини жалб қилган ҳолда ушбу Фармонда белгиланган чора-тадбирларни аҳоли ва экспертлар ҳамжамияти орасида кенг ёритиш чораларини кўрисин.

12. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси масъул вазирлик ва идоралар билан биргаликда ушбу Фармонда назарда тутилган чора-тадбирлар ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ҳар чорақда ахборот бериб борисин.

13. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий суди, Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда қонун ҳужжатларида ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

14. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри,
2020 йил 10 август

ҚИЙНОҚҚА СОЛИШНИНГ ОЛДИ ОЛИНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги «Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш тўғрисида»ги фармонида шахсни қийноққа солиш ва унга нисбатан бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашнинг олдини олишнинг самарали механизмларини жорий қилиш, шунингдек, бундай қилмишлар учун жавобгарликни кучайтириш суд-тергов фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланди.

Қайд этиш лозимки, охириги йилларда мамлакатимизда бу борада бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Хусусан, 2018 йилнинг 4 апрелида Жиноят кодексининг 235-моддасига ўзгартириш киритилди ҳамда қийноқ учун жавобгарликка оид нормалар такомиллаштирилди. Жумладан, қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомаланинг жабрланувчилари доираси кенгайтирилди. Илгари гумон қилинувчи, айбланувчи, маҳрум, гувоҳ, жабрланувчи, жиноят процессининг бошқа иштирокчиси ёхуд уларнинг ақин қариндошлари жабрланувчи сифатида белгиланган бўлса, энди улар қаторига маъмурий қамоққа олинган шахс, судланувчи ҳам киритилди.

Бундан ташқари, илгари жиноят субъектлари доираси ҳам чегараланган, яъни суриштирувчи, терговчи, прокурор, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органининг, жазони ижро этиш муассасасининг ходими қийноқ жиноятининг субъекти ҳисобланарди. Энди ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органининг ёки бошқа давлат органининг ходими томонидан ёхуд унинг дололатчилигида ёки хабардорлигида ёхуд индамай


берган розилиги билан бошқа шахслар томонидан қийноққа солиш ҳолати содир этилса мазкур шахслар ҳам ЖКнинг 235-моддаси билан жавобгарликка тортилиши белгиланди.

Шунингдек, 235-моддадан ахлоқ тузатиш жазоси чиқарилиди. Жазо оғирлаштирилиб, максимал жазо муддати етти йилдан ўн йилгача этиб белгиланди.

Мазкур ўзгартиришлар шахс ҳуқуқларини кафолатлашда муҳим аҳамият касб этди.

Аммо 2020 йилда Чироқчи тумани ва Андижон шаҳрида содир этилган қийноққа солиш билан боғлиқ фожиалар жиноят процессида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш механизми тўлиқ ишга солинмаганини, қийноққа солишнинг олдини олиш билан боғлиқ тизимли механизмлар ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатди.

Янги фармонда бу борада қатор қоидалар акс этган бўлиб, улар шахснинг ҳуқуқлари ишончли ҳимоя қилинишини кафолатлайди. Масалан, амалдаги Жиноят-процессуал кодексининг 226-моддасига асосан ушлаб туриб муддати ушланган шахс ички ишлар органига ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилган пайдан



ҳисобланади. Яъни, шахс муассасага олиб борилмагунча ушлаб турилган вақт ушлаб туриш муддатига кирмайди. Фармонга асосан жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсни ушлаб туриш муддатини у ҳақиқатда ушланган вақтдан бошлаб ҳисоблаш назарда тутилмоқда.

Фармондаги яна бир муҳим жиҳат ушланган гумон қилинувчи ёки айбланувчининг қариндошларини процесс иштирокчиси сифатида жалб қилиш учун асослар бўлмаган ҳолларда уларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга чақириш ва сўроқ қилиш таққиқлашни назарда тутилганидир. Бу орқали гумон қи-

линувчи ёки айбланувчига руҳий ёки психологик босим ўтказилишининг олди олинади.

Қайд этиш лозимки, амалдаги тартибга кўра, масалан, вақтинча сақлаш жойлари ва тергов ҳибсхоналарида сақланаётган шахсларнинг баданидаги доғларни, тирналган, шилинган, қонтолаш жойларини топиш зарурати туғилганда гувоҳлантириш юқоридagi муассасалар тасарруфидаги тиббий муассасалар ходимлари томонидан ўтказилиши мумкин. Фармонда назарда тутилган янги тартибга асосан эса терговга қадар текшириш ёки терговда ушланган шахсни ва озодликдан маҳрум

қилиш жойларида жазони ўтаётган маҳкумни тиббий кўриқдан ўтказиш, шунингдек, вақтинча сақлаш жойлари ва тергов ҳибсхоналарида сақланаётган шахсни гувоҳлантириш унинг ёки адвокатнинг илтимосига асосан 24 соат ичида фақат вақтинча сақлаш жойлари, тергов ҳибсхоналари ёки жазони ижро этиш муассасалари тасарруфида бўлмаган тиббий муассасалар ходимлари томонидан ўтказилиши белгиланмоқда. Бу эса шахсга нисбатан қўлланган руҳий ва жисмоний босим, қийноқни аниқлаш имконини бериш билан бирга ҳолисликни ҳам таъминлайди.

Фармонда 2021 йил 1 июнга қадар суриштирувчи ва терговчиларни видеотасвирга олиш воситалари билан таъминлаш, жазони ижро этиш муассасалари ва тергов ҳибсхоналарини терговни видеоконференцалоқа режимида ўтказишда фойдаланиладиган техника ва ускуналар билан тўлиқ жиҳозлаш ва уларнинг узлуқсиз ишлашини таъминлаш чоралари назарда тутилган. Бу жиноят ишини тергов қилишни яхшилаш, қонун устуворлиги ва жавобгарлик муқаррарлиги принципини таъминлашга, шунингдек, суриштирув ва тергов органлари ходимлари ўзининг ҳаракатлари доимий назоратда эканини ҳис қилиб туришига ҳам хизмат қилади.

Ҳуршид ҚАРИМОВ,
Бош прокуратура академияси
кафедре бошлиғи

МЕҲР СЎНГАН ХОНАДОН

Оила тинч, муштақам бўлса, жамият ҳам осойишта бўлади. Аммо турмушимиз тобора фаровонлашаётган пайтда оилалар мўртлашаётгани, ажримларнинг кўпайиб бораётгани ташвишларни ҳолат.

Ажримлар туфайли фожиа юз бераётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Баъзи эркаклар хотини билан ажрашган гўё ташвишлардан холи бўлиб, фарзандларининг тақдирини ўйлаб ҳам кўрмайди. Суд гарданига бир қатор мажбуриятларни юклаганда эса жазавага тушиб қолади.

Хусусий шифохоналарнинг бирда коровул бўлиб ишлаб юрган Илхом Рустамов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) оиласининг ишонган тоғи, химоячиси бўла олмади. Турмуш ўртоғи Дилдора билан ўрталарига совуқчилик тушди, келишмовчиликлар газак олиб, 2017 йилнинг октябрида норасмий ажрашишди. Орадан бир ой ўтар-ўтмас бошқа аёлга уйланиб олди. Бу ҳолат Дилдоранинг бош кўтаришига сабаб бўлди.

У эрининг қонуний никоҳда бўла туриб бошқа аёлга уйланиб олганидан норози бўлиб судга арз қилди. Унинг мурожаати асосида фуқаролик ишлари бўйича Асака туманларо сули хал қилув қарорини қабул қилди. 2018 йилнинг 10 октябрида Мажбурий ижро бюросининг Асака тумани бўлими ижрочиси ижро ҳужжатиغا асосан Д.Рустамовани собиқ турмуш ўртоғи ўз оиласи билан ашлаб келаётган уйнинг битта хонасига воёга етмаган фарзанди

Назираҳон билан бирга киритиб қўяди.

Шундан кейин Илхом Рустамов собиқ хотинидан қутулиш йўлини кидиришга тушади. Шундай ўйда 3 ноябрь куни соат 23:00 ларда Дилдоранинг хонасига киради. Хонада иккита электр иситкич ёқилганини кўриб, унга дашном беради. Электр ҳақи ошиб кетаётганига у сабабчидай иситкичларни ўчириб, печка ёқини бузори. Дилдора унга сабрли бўлишни, чидаши кераклигини айтганида Илхом уни жаҳл билан итариб юборди. Дилдора ерга йиқилади. Кўзи қонга тўлган собиқ эр унинг бўйнига чанг солади ва жони чиккунича қўйиб юбормайди... Кейин жасадни дастурхонга ўраб, кўчага отланади. Шу кетганда фермер хўжалиқларидан биринининг даласига бориб, мурдани кўмади. Уйига қайтиб келиб, марҳумнинг паспортини печкага ташлаб ёқиб юборди. Гўё шу билан жиноят изларини йўқотгандек. Бирок...

Ҳеч бир жиноят жазосиз қолмайди. Илхом Рустамовнинг қотиллиги ҳам фот ошди. Жиноят ишлари бўйича Андижон вилояти суди уни 15 йилга озодликдан маҳрум қилди.

Фурқат САТТАРОВ,
Бош прокуратура бошқарма бошлиғининг
ўринбосари

ЧИНОР КЕСГАН ФЕРМЕР

Иш ҳужжатларига кўра Навбахор туманидаги «Ёруғ тонг» фермер хўжалиги раиси Б.Б. 2019 йил 19 июлда хўжалик ҳудудидаги тўрт туп чинор дархатини ноқонуний равишда чошиб, атроф-муҳитга 268 млн. 617 минг 250 сўмлик зарар етказган.

Натижада Навоий вилояти экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси Навбахор туманларо иктисодийга судига мурожаат қилиб, фермер хўжалиқидан зарарни ундиришни сўраган.

Бирок суднинг 2019 йил 12 сентябрдаги ҳал қилув қарорига кўра Б.Б. «Ёруғ тонг» фермер хўжалигининг таъсисчиси эканлиги ва хўжаликда меҳнат шартномаси бўйича ишласлиги ҳақидаги асослар билан аризани қаноатлантириш рад этилган.

Навоий вилояти прокуратураси суднинг қарорини ўрганганда Навбахор тумани Давлат хизматлари маркази 2019 йил 7 сентябрда тақдим этган ҳатда фермер хўжалигининг раиси Б.Б. эканлиги, шунингдек, фермер хўжалигининг Навбахор тумани ҳокимлиги ҳузуридagi Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 2013 йил 14 июнда рўйхатга олинган уставида ҳам хўжалик раиси сифатида Б.Б. кўрсатилгани аниқланган.

Бундан ташқари, Навбахор тумани Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимининг Навоий вилояти Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасига 2019 йил 3 ноябрда йўллаган жавоб хатда ноқонуний чопилган чинорлар фермер хўжалигига ижарага берилган ерда жойлашгани қайд этилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 январдаги «Давлат ўрмон фондига кирмайдиган ерларда дархат ва буталардан фойдаланишни тартибга солиш ва улардан фойдаланиш соҳасида руҳсат бериш тартибини янада такомиллантириш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган низомга асосан юридик шахслар томонидан ўзларига тегишли ёки бириктирилган ҳудудлардаги дархат ва буталарни экиш, парвариш қилиш, буташ, кесин, шу жумладан, санитария мақсадида кесин ва дархатларни хатловдан ўтказиш ишлари олиб борилиши, дархат ва буталарни Давлат экология қўмитаси органларининг ҳулосаси ҳамда маҳаллий ҳокимиятнинг руҳсатномасиз кесин ноқонуний ҳисобланиши кўрсатилган.

Лекин биринчи инстанция суди юқорида қайд этилган қонун ҳужжатлари ва далиллари инобатга олмастан, тарафларнинг ваҳини тўлиқ текширилган қонунга зид хал қилув қарори қабул қилгани сабабли вилоят прокуратурининг протестига асосан мазкур қарорнинг бекор қилиниши ва атроф муҳитга етказилган 268 млн. 617 минг 250 сўмлик зарар фермер хўжалигидан ундирилиши таъминланди.

Қозим ҚОЗИЕВ,
Навоий вилояти прокуратурининг
катта ёрдамчиси

ОВ ҚИЛИШНИНГ ҲАМ ТАРТИБИ БОР

Мамлакатимизда уста овчилар кам эмас. Лекин ов қилишнинг ҳам ўзига хос талаблари бор. Улар 2020 йил 8 июлдаги «Ов қилиш ва овчилик ҳўжалиги тўғрисида»ги қонунда белгилаб қўйилган.

Хусусан, ов қилиш истагида бўлган киши:

– овчилик гувоҳномасига, ов қуролини сақлаш ва олиб юришига доир гувоҳномага, ёввойи ҳайвонларни тутушига доир рухсатномага, овчилик йўлланмасига эга бўлиши шарт;

– ёввойи ҳайвонларни овлаш учун белгиланган миқдорда пул тўлаши лозим;

– ов қилишга рухсат этиладиган ҳудуддан ташқарида ов қилишга йўл қўйилмайди;

– овчи хавфсизлик қоидаларини билиши ва уларга риоя этиши шарт.

Ов қилмоқчи бўлган шахс ов муддатига риоя қилишига тўғри келади. Ёввойи ҳайвонларни овлашга асосан куз ва қишда рухсат берилади. Масалан, беданани 1 августдан 30 ноябргача, тоғ такаси ва бутуларни 1 сентябрдан ва 31 декабргача, ондатра, қирғовул, қорабурни 1 октябрдан 31 декабргача овлаш мумкин.

Ов қуроллари ва усулларидан тўғри фойдалана олиш ҳам овчиликнинг талабларидандир.

Ёввойи ҳайвонларни тутишда ўзиотар қурол, камон, арбалет ва найза, сиртмоқ, илгак, тўқки ёввойи ҳайвонлар учун қопқон ва тўрдан фойдаланиш тақиқланади. Шунингдек, портловчи моддаларни ва биологик препаратларни, электр токи-

ни қўллаш, дов-дарахтларни ёқиш, товушсиз отиш мосламаларидан фойдаланиш, ёнги, тошқин ва бошқа табиий офатлардан қочаётган ҳайвонларни овлаш мумкин эмас.

Агар шахс қонунга зид равишда ов қилса, у гайриқонуний овчи, яъни браконьер деб эътироф этилади. Бу эса, ўз навбатида, жавобгарликни келтириб чиқаради.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 23-моддаси 1-қисмида ҳуқуқбузарлик учун қўлланиши мумкин бўлган жазо турларига ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этиш ҳам киритилган.

Ушбу кодекснинг 27-моддаси 1-қисмида ҳуқуқбузарлик қуроли бўлган ашёни ёки ҳуқуқбузарликнинг бевосита ашёсини мусодара қилиш мазкур ашёни ҳақ тўламасдан мажбурий тарзда давлат мулкига ўтказишдан иборатлиги, ушбу чора туман (шаҳар) маъмурий суди томонидан қўлланиши белгиланган. Бирок асосий тиркичилик манбаи овчилик бўлган шахсларнинг ўқотар қурол ва ўқ-дорилари, бошқа қуроллари мусодара қилинмаслиги алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Мазкур кодекснинг 90 – 91-моддалари айнан ов билан боғлиқ қондабузарликларга бағишланган.

Жумладан, 90-моддага кўра:



ов қилиш ва балиқ овлаш қондаларини, шунингдек ҳайвонот дунёсидан фойдаланишнинг бошқа турларини амалга ошириш қондаларини бузиш фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача жарима солишга сабаб бўлади;

фуқаро маъмурий жазо қўллангандан кейин бир йил давомида худди шундай ҳуқуқбузарликни такроран содир этса ҳуқуқбузарлик қуроли ва ашёлари мусодара қилиниб, базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача жарима солинади;

маъмурий жазо икки марта қўлланганидан кейин бир йил давомида худди шундай ҳуқуқбузарликни такроран содир этиш ҳуқуқбузарлик қу-

роли ва ашёларини мусодара қилиб, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача жарима солишга ёки уч йилгача ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этишга сабаб бўлади.

Рухсати бўлмаётган туриб ёки тақиқланган жойда ёхуд вақтда, тақиқланган қуроллар билан ов қилиш ёки балиқ овлаш ҳуқуқбузарлик қуроли ва ашёларини мусодара қилиб, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш бараваридан йигирма бараваригача ёки уч йилгача ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этишга сабаб бўлади.

Жиноят кодексининг 202-моддасига асосан ов қилиш ва балиқ овлаш қондасини бузиш, камёб ҳайвонларни тутишнинг белгиланган тартиби

ёки шартларини, шунингдек муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлардаги ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш тартибини бузиш анча миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша қилмишлар кўп миқдорда зарар етказган ҳолда ёки бир гуруҳ шахслар томонидан олдидан тил бириктириб содир этилса, бундан ҳам оғирроқ жазо берилади.

Акрамжон ХУЖАМОВ,
ҳуқуқшунос

MUNOSABAT



Маъқулланган қонулардан «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига жиноят процессида иштирок этувчи фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишни кучайтиришга қаратилган ўзгаришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қонунга алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Мазкур қонун Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 14 май кунини имзолади ва расмий эълон қилинган кундан, яъни 15 майдан кучга кирди.

Ушбу қонун билан айрим процессуал ҳаракатларни, яъни ўта оғир жиноятлар бўйича ҳодиса содир бўлган

ИШОНЧЛИ ҲИМОЯНИ КЎЗЛАБ...

Олий Мажлис Сенатининг 2020 йил 11 май кунги видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган тўртинчи ялпи мажлисида 20 та масала, шу жумладан, 10 та қонун қўриб чиқилиб, 8 таси маъқулланган, 2 таси рад қилинган.

жойни кўздан кечириш, тинтув, кўрсатувларни ҳодиса жойида текшириш, тергов эксперименти, шахсни ушлаш, ҳимоячидан воз кечиш, шахсни ушлаш жараёнида ўтказиладиган шахсий тинтув ва олиб қўйишни видеоёзув орқали қайд этиш шартлиги белгиланди ҳамда Жиноят-процессуал кодексининг 91-моддасига шу ҳақида ўзгариш киритилди.

Шунингдек, мазкур кодекснинг 52-моддаси биринчи қисми янги таҳрирда қабул қилиниб, унда ҳимоячидан воз кечиш жараёни видеоёзув орқали қайд этилиши шартлиги, ҳимоячидан воз кечганлик ҳақида гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, шунингдек адвокат, суриштирувчи ёки терговчи томонидан имзоланган баённома тузилиши ёхуд суд мажлиси баёнига ёзиб қўйилиши, видеоёзув материаллари унга илова қилиниши, ҳимоячининг ҳимоясидаги шахс билан холи учралиши видеоёзув орқали қайд этилмаслиги назарда тутилди.

Бундан ташқари, кодекснинг 217-моддасига ўзгариш киритилиб, унда суриштирувчи, терговчи, прокурор гумон қилинувчига, айбланувчига нисбатан процессуал мажбурият чораларининг қўлланиши ҳақида ва унинг ушлаб турилган жойи тўғрисида дарҳол оила аъзоларидан бирига, улар бўлмаса бошқа қариндошлари ёки яқин кишиларига хабар бериши лозимлиги, шунингдек, бу ҳақда иш ёхуд ўқиш жойига маълум қилиниши шартлиги белгиланди. Аввал ушбу ҳаракатлар 24 соатдан чектирмадан амалга оширилган эди.

Мазкур қонун жабрланувчи, гувоҳ ва жиноят процессининг бошқа иштирокчилари ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш билан бирга, амалиётда юзга келаётган тушунмовчилик ҳамда муаммоларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Ахрор ХАЛМУМИНОВ,
Фарғона ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси

Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорликни кенгайтириш истиқболи муҳокама қилинди.

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ – ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

ТАРИХГА НАЗАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 8 январдаги 313-фармони билан Ўзбекистонда фаолият юритаётган Ўрта Осиё транспорт прокуратураси ва унинг органлари негизда вилоят прокуратурасига тенглаштирилган Ўзбекистон Республикаси транспорт прокуратураси ташкил этилиб, Бош прокуратурага бўйсундирилган.

Транспорт прокуратураси тизими маҳкама ва 9 та ҳудудий транспорт прокуратураси, яъни Тошкент, Ховос, Самарқанд, Қарши, Термиз, Бухоро, Оролбўйи ва Фарғона транспорт прокуратуралари ҳамда Тошкент авиация транспорт прокуратурасидан ташкил топган.

НАЗОРАТ ТАДБИРЛАРИДА

Транспорт прокуратураси органлари томонидан 2020 йилнинг биринчи ярмида Транспорт вазирлиги ва Автомобиль йўллари қўмитаси, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ, «Uzbekistan airways» АЖ, «Uzbekistan airports» АЖ, «Uzbekistan helicopters» МЧЖ ҳамда назорат ва ҳуқуқни муҳофазат қилувчи органларда қонуларга риоя этилиши юзасидан 189 та текширув ўтказилиб, 2191 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланди.

Транспорт вазирлиги тизимидаги қорхона ва ташкилотларнинг мансабдорлари қабул қилган қарорларнинг қонунийлиги ҳам ўрганилди. Натيجасига қўра 1174 та қонуний қарорга протест келтирилиб, қонунга хилоф бўлган 152 та ҳужжат бекор қилинди ва 886 та ҳужжат қонунларга мувофиқлаштирилди.

Бундан ташқари, 279 та тақдимнома киритилиб, 45 нафар мансабдор қонун бузилишига йўл қўймалик хусусида огоҳлантирилди. Қонун бузилган ҳолатлар юзасидан 10 та жиноят иши кўзгатилиди ҳамда 356 нафар шахс интизомий, 78 нафари маъмурий, 16 нафари моддий жавобгарликка тортилди. Қўрилган қарорлар натижасида 769 нафар шахс ҳамда 13 та тадбиркорлик субъектининг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

МУАММОЛАР ҲАЛ ҚИЛИНАПТИ

Транспорт прокуратураси органларига йўлланган мурожаат эътиборсиз қолмайди. Масалан, ҳисобот даврида 1323 та мурожаат келиб тушган бўлиб, шундан 712 таси ҳал қилиниб, уларнинг 127 таси қаноатлантирилди, 569 тасига тушунтириш берилди, 16 та мурожаат рад этилиб, 46 та мурожаатни кўриб чиқиш тугатилди. Қолаверса,

100 нафар фуқаро ва юридик шахснинг ҳуқуқлари тикланишига эришилди.

Ходимларимиз томонидан 3231 киши ва 8 та юридик шахснинг вакиллари прокуратурада, қорхона ва ташкилотларда қабул қилинди. Бундан ташқари, сайёр қабулларда 2105 кишининг мурожаати тинланди.

Шу ўринда айтиш керакки, прокуратуранинг фаолиятига ошқоралик бериш ва аҳолининг ҳуқуқий оғи ва маданиятини ошириш бўйича 2358 та тарғибот тадбири ўтказилди. «Facebook», «Telegram» ва «Instagram» ижтимоий тармоқларида транспорт прокуратурасининг саҳифаси яратилиб, қилинаётган ишлар ҳақидаги маълумот мунтазам равишда оммага етказилапти.

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

Коррупция ва ғиёҳвандликка қарши кураш, транспортда ташилаётган юкларни асраш борасидаги қарорларнинг кучайтирилиши натижасида жами 635 та жиноят аниқланди, шундан ўта оғир жиноятлар 41 та, оғир жиноятлар 169 та, унча оғир бўлмаган жиноятлар 300 та ва ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар 125 та.

Кези келганда айтиш керакки, жиноят ҳақидаги ариза ва хабарлар юзасидан қабул қилинган қарорларнинг қонунийлиги мунтазам равишда ўрганиб борилиб, қуйи прокуратураларнинг жиноят иши кўзгатиши рад қилиш тўғрисидаги 9 та қарори, ички ишлар органларининг 30 та қарори бекор қилинди ва 886 та ҳужжат қонунларга мувофиқлаштирилди.



Шунингдек, қуйи прокуратураларда жиноят ишини тугатиш ҳақидаги 5 та, ички ишлари органларида 3 та, прокуратураларнинг дастлабки терговни тўхтатиш ҳақидаги 2 та, ички ишлар органларининг 5 та қарори бекор қилинган.

Шунингдек, транспорт прокуратураси терговчилари томонидан 120 та жиноят иши қабул қилиниб, 54 таси 69 нафар шахсга нисбатан айблов ҳулосаси ва ярашув ҳақидаги қарор билан судга юборилди.

ҲАМКОРЛИКДА ҲИҚМАТ КЎП

Ўзбекистон Республикаси транспорт прокуратураси билан Транспорт вазирлиги, Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси, Темирйўлларда юк ва йўловчи ташиш инспекцияси ва Фуқаро авиацияси агентлиги ўртасида тўртта қўшма тартиб имзоланиб, ижрога қаратилди.

Транспорт вазирлигининг барча вилоятлардаги бошқармаларида фуқароларнинг сайёр қабули ўтказилиб, 1200 дан зиёд киши қабул қилинди ва асосий эътибор муаммоларни жойида бартараф этишга қаратилди.

Хусусан, Сирдарё ва Самарқандда тадбиркорлардан тушган мурожаатлар асосида Самарқанд автойўл бошқармаси билан Сирдарё вилоятидаги «Экскаватор ва гусеница техникаларни таъмирлаш заводи» УК ўртасида 27 та ярокисиз техникани таъмирлаш юзасидан 2 млрд. сўмлик шартнома имзоланди.

Транспорт прокуратурасининг ташаббуси билан Сирдарё туманида меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Унда ёшларга Транспорт вазирлиги ва «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ тизимидаги қорхона ва ташкилотларнинг 234 та бўш иш ўрни таклиф этилди. Ярмаркада 330 киши қатнашиб, 41 нафари ишга жойлашди. 80 нафарига тиббий кўриқдан ўтиш ва транспорт қорхоналарига ишга жойлашиш учун йўлланма берилди.

ПАНДЕМИЯГА ҚАРШИ КУРАШ

Транспорт прокуратураси органлари томонидан коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш, санитарияга оид қонун ҳужжатлари, эпидемияга қарши кураш қондалари бузилишига йўл қўймалик ҳамда аниқланган қонун бузилишларни бартараф этиш юзасидан қўшма назорат ўрнатилган. Бу борада транспорт прокуратурасининг фармойиши қабул қилиниб, ишчи гуруҳлар тузилди. Самолёт, поезд ва автобус чипталари нархи асосиз оширилишининг олдини олиш чоралари кўриляпти, самолёт ва поездлар, вокзаллар, метро ҳар кунги дезинфекция қилинмоқда.

Шу кунгача ҳаво транспорти чартер рейслари орқали хори-

жий давлатлардан 11 802 нафар фуқаро олиб келинди. Бундан ташқари, Транспорт вазирлиги ва унинг бошқармалари томонидан шу мақсадда 527 та автобус ва 40 та микроавтобус ажратилди.

Айрим фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари аҳолига пулли транспорт хизмати кўрсатишда нархларни сунъий равишда оширишининг олдини олиш бўйича ўтказилаётган рейдларга Транспорт вазирлигининг 249 нафар инспектори жалб қилинди.

Чегара постларида барча турдаги транспортларнинг қарантин талабларига қатъий амал қилган ҳолда ўтказилиши назоратга олинган. Аниқлаётган камчиликлар зудлик билан бартараф этилмоқда.

Транспорт прокуратураси органлари ташаббуси билан назорат ҳудудидаги объектларда 51 марта асосий турдаги озиқ-овқатларнинг кўчма савдоси ташкил этилди.

Барчамиз гувоҳи бўлиб турибмиз, дунёдаги энг йирик илмий марказлар, энг кучли олимлар коронавирус балосига даво топиш учун қаттиқ изланмоқда. Тиббиёт ходимларининг малакаси ва жасорати, ҳуқуқ-тартиб идоралари ходимларининг фидойилиги, шунингдек, карантин давридаги қатъий интизом мамлакатимизда эпидемиологик вазиятни нисбатан барқарор сақлаш имконини бермоқда. Лекин бу хотиржамликка бериш мумкин дегани эмас. Юзага келган вазиятни ҳисобга олган ҳолда транспорт прокуратураси органлари халқ саломатлигини сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга ҳисса қўшишда давом этади.

Маруфхон ХОДЖАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Транспорт прокурори вазифасини
бажарувчи



ҲАР ИШДА МЕЪЁР БЎЛГАНИ МАЪҚУЛ...

Инсон ҳамиша гўзалликка интилиб яшайди. Шу маънода кийиниш маданиятини ҳам инсон гўзаллигининг таркибий қисми дейиш мумкин. Миллий либосларда ҳар бир халқнинг ўзига хослиги акс этади. Ранг-баранг сарилар ҳинд аёллари қоматини безаса, япон аёлларининг чиройи уларнинг кимоносига акс этади. Жимжимадор атласда гулдай очилган ўзбек аёлининг гўзаллиги кимни мафтун этмайди дейсиз.

Журналист Барно Меликулованинг газетамизнинг 23 июлдаги сонида чоп этилган «Қадриятларнинг қадди букилди(ми?)» сарлавҳали мақоласини ўқиб, ўз муносабатини билдиришни лозим топдим.

Газетамизнинг 23 январдаги сонида чоп этилган «Гуноҳлар йўлини тўсайлик!» сарлавҳали мақоламда кейинги пайтда нафақат аёллар, балки эркекларнинг ҳам мода ортидан қувиб, кўча-кўйда шортик-майкада юриши, ажнабийларга таклид қилган хотинларнинг ярим-яланғоч ҳолда ишга ёки бирор юмуш билан кўчага отланиши ноқоиғлиги, бундай кийиниш нафақат уларнинг соғлиғи, балки туғилажак фарзандлари учун ҳам қони зарар эканлиги, беҳаё кийинган аёллар ўзлари гуноҳ қилгани ҳолда бошқаларни ҳам гуноҳга ботираётгани кекса педагог, Ўзбекистон қаҳрамони Муҳаббат Шаропова, Қарши шаҳар туғруқ комплекси бош шифокори Салима Очилова ва Чирокчи тумани бош имом-хатиби Бехзод Норкуловнинг фикрларига асосланиб танқид қилинган эди.

Баъзилар замонавий мода менталитетни, миллийликни тан олмайди дейишади. Балки шундайдир, аммо миллий ва ахлоқий меъёрларни унутмаган ҳолда замонавий тарзда кийиниш яхши эмасми? Ахир инсоннинг ташқи кўриниши ички оламни акс эттириб туради-ку! Гўзал-

лик моҳиятан инсоннинг маънавияти, фазилатларини намоён этмайди? Баъзан қорни очик, тор ва қалта кофта, тор шим, миниюбка, шортик кийиб олган қизлар, кўча-кўйда шортик-майкада, сочини бўяб, ўзига оро бериб юрган йигитчаларни кўрганда, майли, ҳали ёш-да, эс-хушини йиғиб олар дейсиз. Бирок эллиқдан ошиб, олтинини қоралаётган баъзи аёлларнинг ҳам сочини бўяб, шим кийиб олдингиздан кеккайиб ўтайётганини кўриб хижолатдан беихтиёр ерга қарайсиз.

Мамакатимиздаги энгил саноат корхоналарида дизайнерлар миллий ва замонавий талабларга мос либослар устида ишлапти. Миллий матоларимиздан янгича фасондаги либослар яратилмоқда, ипақ ва пахта толасидан тўқилган матолардан ёшлар ва катталар учун мавсумга қараб кийим-кечақлар тикилапти. Масалан, қизларга мўлжалланган кофта-юбкалар миллий турмуш тарзимизга мос, меъёр сақланган. Атлас ва адрасдан тикилган либосларда ўзбек аёлига хос ибo европача дизайн билан уйғунлаштирилган.

Бир латифанамо ибора бор. Айтишларича, қадимий ғор деворларига бундан неча минг йил аввал яшаган одамлар ёзган битикни мутахассислар қанча машаққат билан ўқилса, унда «Ҳозирги ёшлар айниб кетаяпти» деган маъно мужассам экан.

Тўғри, ҳар даврнинг кексалари ўз билганларини маъқуллаб, ёшларни танқид қилишади. Тўғри, ҳар даврнинг ўз қадрияти бўлади. Бирок, яхшиямки, дунёда ўзгармайдиган, барҳаёт ва бебаҳо қадриятлар бор. Булар – миллий ўзлик, одоб, ҳаё, андиша, ор... Бу меъёрлар сира давр ва авлод танламайди, асло ўзгармайди...

«Бу бутун дунёда кузатиладиган ҳолиса, – деб хулоса қилади юқоридаги мақола муаллифи Б.Меликулова. – Кекса авлод вақиллари ўз қондаларини тўғри деб билса, ёш авлод ўз қарашларида собит туради». Мен бу хулосага қўшила олмаман. Тўғри, ўз фикрида собит ёшлар хурматга лойик. Балки гарба бу қарашлар одатийдир. Аммо шарқда кексалар фикри билан албатта ҳисоблашмилади. Айниқса, қадриятлар масаласида...

Хулоса ўрнида шунга айтиш мумкинки, ҳар ишда меъёр бўлгани яхши. Зеро, бизга ички дунёмиз, маънавиятимиз, ахлоқимиз, аниқроғи, шарқона гўзаллигимизга муносиб либослар ярашади. Шундай экан, ўз миллатимиз, юртимиз, одат ва анъаналаримизга мос тарзда кийиниш бизнинг кимлигимизни, маданиятимизни, миллий менталитетимизни кўрсатиб туришини унутишга ҳаққимиз йўқ.

Норбўта ҲОЗИЕВ,
«Нидиқ»

«ЁПИҚ» ОШХОНА СИРЛАРИ

– Ҳар доимгидек хонангда тушлик қилишдан зерикмадингми? Бу кетишда кўчада овқатланиш маданиятини унутиб кўясан-ку. Билишимча, тўрт ойдан буён уйингдан овқат олиб келаясан, шундайми?

– Бу нима деганингиз, карантин бўлса, ошхоналар ёпиқ-ку. Ўзингиз ҳам хонада овқатланганингиз ёдингиздан чиқиб кетибди-да, – дейман ҳамкасбимнинг гапларидан ажабланиб.

– Э, шу ишни деб дунёбеҳабар юрасан-да. Ишни ким туғатибдики, сен охирига етсанг. Билиб қўй, ошхоналар ёпиқ эмас, яширинча ишлаб турибди.

Унинг гапидан кейин ишонамиздан унча узок бўлмаган, пештоқига «Тайёр таомни буюртмачига етказиб берамиз» деган ёзув илгинган бино олдида келдик. Асосий эшик ёпиқ. Атрофда ҳеч ким йўқ. Норозилигимни кўриб ҳамкасбим индамасдан ортидан юришимни таъкидлади. 12-14 ёшлардаги болакай турган дарвоза ёнига бордик. Ичкарига киргач лол қолдим. Юзида никоби, қўлида қўлқопи йўқ ошпазлар хўрандаларнинг буюртмасини қабул қилиш билан банд. Ҳамма ўзи билан овора. Ҳеч ким шахсий гигиенага рия қилаётгани йўқ.

Оғзидан арок ҳиди анқиб турган хўрандаларнинг бири шеригимнинг таниши эканми, унга қараб деди:

– Ўзиям роса маъза қилдим-эй. Балиқмисан балиқ экан, қарийб бир килосини паққос туширибман. Бу ерга олдин нега келмаганимга ҳайронман. Ўзимизда ҳам шундай ажойиб жойлар бор экан, қарларда овқатланиб юрибман. Энди яхши бўлди.

Уйининг ёнидан ошхона очган тадбиркорга балли. Шундай вақтда ва шароитда ҳам ўзи учун эмас, фуқаролар учун «астойдил» хизмат қилапти. Асосий дарвозага эса шапалокдай кулф остан.

Энди бир ўйлаб кўринг, бу ерга кириб овқатланиш ўзини хатарга қўйиб эмасми?! Бу ерда вирус юктириб олиш ҳеч гап эмас! Фойданинг изидан қувиб юрган тадбиркорни гапга солганимда муассаса яқин уч ой ичида бирор марта дезинфекция қилинмаганини таъкидлади.

– Ўзи аслида ишлаганимиз нотўғри. Аммо талаб ва таклифлардан келиб чиқиб уч ойдан буён яширинча ишляпти. Қўлимиз қўлимизга тегмайди. Бундай пайтда дезинфекция қилдириш ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам келгани йўқ. Кун бўйи ишлаймиз. Кечкурун уйга ҳолдан тойиб борамиз, эрта тонгдан яна ишга отланамиз.

...Уларнинг ишини, атрофни зимдан кузатдим. Тадбиркор айтганидек, ҳамма иш билан банд. Аммо ҳеч ким карантин қоида-сига амал қилиш ҳақида ўйламайди. «Етказиб бериш» хизмати эса шунчаки оғизда. Нега дейсизми? Ишлаётган ҳар битта ташкилотнинг ходимлари, қолаверса айрим уйда ўтирганлар шу ерда овқатланаётган бўлса, кимга етказиб беришади?

Коронавирусга чалиниш ҳолатлари учун киприк қоқмай бировларни айблаган одатланган юртдошларимиз карантинга рия қилмай ошхона очиб олган қўшниларины айбламайди. Бунақа лоқайдликни оқлаб бўлмайди. Коронавирус деган балони биргаликда, ҳамжихатликда, карантин қоидаларига қатъий роя қилган ҳолда енгамиз. Шунинг унутмайлик, азизлар.

НИГИНА ШОЕВА,
журналист




Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳузурида ташкил этилган Ёшлар парламентининг биринчи мажлиси видеоконференция тарзида ўтказилди.



FAOLIYATIDAN

Пандемия шароитида дорихоналарда айрим дориларнинг тақчиллиги, нархларнинг асоссиз оширилиши кузатишмоқда. Бунинг олдини олиш, реал вазиятни ўрганиш мақсадида Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Андижон вилояти бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан профилактик тадбирлар амалга оширилмоқда.




ТАҚЧИЛЛИККА ҚАРШИ ЧОРАЛАР

Хусусан, вилоятдаги дорихоналарга департамент ходимлари бириктирилди. Улар мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча дорихоналарда тушунтириш ишларини олиб боришмоқда. Соғлиқни сақлаш вазирининг 2016 йил 21 ноябрдаги буйруғи билан тасдиқланган барча дорихоналарда бўлиши мажбурий бўлган дорилар ва тиббий буюмлар бўлмаганда, шунингдек, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари бузилганда мурожаат қилиш учун барча дорихоналарга департамент органларининг ишонч телефонлари ёзилган плакатлар илиниши таъминланди.

Ҳозирги кунда Андижон вилоятида 1245 та дорихона бор, уларнинг 9 таси улгуржи савдога ихтисослаштирилган. Вилоят прокуратураси билан ҳамкорликда дорихоналардаги дори захираси ўрганиб чиқилди ва дори-дармонга эҳтиёжи бўлган 251 та дорихона дори ва тиббий буюмлар билан улгуржи савдо қилувчи «Акмал фарм медицина», «Грандфармтрейд» ва «Мегафарм Андижон» МЧЖ-ларга бириктирилди.

Шунингдек, айланма маблағга эҳтиёжи бўлган 134 та дорихонага 4 млрд. 309 млн. сўм



пул ажратиш масаласи тижорат банклари томонидан кўриб чиқилмоқда.

Чекка ҳудудлар аҳолиси учун кўчма дорихоналар ташкил этилди.

Аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш мақсадида шунча ишлар қилинаётган бир пайтда эл бошига иш тушганидан фойдаланиб қолмокчи бўлган нокаслар ҳам учраётгани ачинарлидир.

Департаментнинг Андижон тумани бўлими ходимлари ДХХ туман бўлини ҳамда ички ишлар ходимлари билан ҳамкорликда ўтказган тадбирда фуқаро Н.У. уйда эркин муомаласи тақиқланган дорилар савдоси билан ноқонуний равишда шуғулланиб келиб, бир фуқарога 15 та «Тропикамид» дорисини 1 млн. 500 минг сўмга ва 3 та қонвалютадаги 42 та «Lyrica Kapsul Pregabalin 300 mg» дорисини 1 млн. 50 минг сўмга сотган вақтида ашёвий далиллар билан ушланган. Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши кўзга тушиб, тергов олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, департаментнинг Балиқчи тумани бўлими томонидан ДСИ ходимлари билан ҳамкорликда

ўтказилган рейдда «Омонорик» МФЙда яшовчи Н.Ж. ноқонуний равишда дорихона ташкил қилиб аҳолига дори-дармон сотаётгани аниқланиб, 152 минг сўмлик 24 хил дорилар ашёвий далил сифатида олинган ва ҳуқуқбузарга нисбатан баённома расмийлаштирилган.

Шунингдек, департаментнинг Андижон вилояти бошқармаси ДХХ Андижон вилояти бошқармаси билан ҳамкорликда ўтказган тадбирда Тошкент шаҳрида яшовчи М.Д. харидорга ҳеч қандай ҳужжати бўлмаган, Россияда ишлаб чиқарилган 100 қути «Арбидол» дорисини 35 млн. сўмга ва 412 қути «Меропенем» дорисини 82 млн. сўмга сотишга келишиб, Тошкент – Андижон йўналишида юк ташувчи Б.И. орқали ўтказиб, эвазига фуқародан 117 млн. сўм ҳисобидан 58 млн. сўм ҳамда 6 минг АҚШ долларини олган вақтида ашёвий далиллар билан ушланди. Ҳозир мазкур ҳолат юзасидан қонуний чора кўриш масаласи кўриб чиқилмоқда.

Акмалжон КАРИМОВ,
департаментнинг Андижон вилояти бошқармаси бошлиғи

ҚАЛБИ «НОГИРОН» ШИФОКОР...


Бугун шифокорларнинг жасорати ва фидокорлигини такрорлашнинг ҳолати йўқ назаримизда. Пандемия шароитида кўрсатаётган хизматлари ҳукумат даражасида эътироф этилаётгани ҳам уларнинг жамиятдаги мавқеининг янада ортаётганидан далолатдир. Бироқ ижобий ишлар билан бир қаторда касбига доғ тушираётган оқ либос эгалари ҳам афсуски, учраб туради.


Шаҳрисабзлик Р.М. кўзи ожиз онасини ногиронлик нафақасига чиқариш учун тумандаги кўп тармокли поликлиникага олиб борди. У ерда окулист-шифокор М.Р.га учрашди. Аслида-ку, шифокор қонуний тартибда масалани ҳал қилса, олам гулистон, обрўсини асраб қолган бўларди. Бироқ нафс куткуси уни йўлдан оздириб, турли баҳоналар билан Р.М.дан ишни тезроқ «ҳал» қилиш учун 400 минг сўм пул тама қилди.

Р.М. шифокорнинг талабига, табиийки, рози

бўлмади. Бу ҳақда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни хабардор қилишни бурчи деб билди. Унинг аризаси асосида ташкил этилган тезкор тадбирда М.Р. жиноят устида қўлга олинди. Унга нисбатан жиноий иш кўзга тушиб, суднинг ҳукми билан жазо муқаррарлиги таъминланди.

Шароф ЖУМАЕВ,
Департаментнинг Қашқадарё вилояти бошқармаси катта инспектори





Оилада қалбларни қувончга тўлдириб фарзанд дунёга келади. Уғилдир, қиздир – Аллоҳнинг улуғ неъматидир. Афсуски, юртдошларимиз орасида фарзанднинг, оиланинг қадрига етмайдиганлари ҳам бор.

ОИЛАЛАР ЯРАШТИРИЛДИ

Бюронинг Дўстлик тумани бўлимига фуқаролик ишлари бўйича Дўстлик туманлараро судининг 2020 йил 12 июндаги 3.Сайфиддиновдан С.Сайфиддиновага вояга етмаган фарзанднинг моддий таъминоти учун алимент ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати 14 июнда келиб тушган.

Бюро ходимларининг тушунтиришлари натижасида ушбу оилани яраштиришга эришилди.

Шунингдек, фуқаролик ишлари бўйича Дўстлик туманлараро судининг 2019 йил 19 августдаги ҳужжати асосан Т.Мавлоновдан Н.Мавлоновага вояга етмаган фарзанднинг таъминоти учун алимент ундириш белгиланган бўлиб, бир

йил давомида ота алиментни ўз вақтида тўлаб келган.

Олиб борилган тушунтиришлар натижасида ота-она ярашди ва ижро ҳужжати таъминланди.

Бундан ташқари, бўлимдаги Ш.Мўйдиновдан Х.Мўйдиновага, Б.Алихоновдан Ф.Алихоновага алимент ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари ҳам ота-оналар ярашгани муносабати билан тугатилди.

Хуллас, бюронинг Жиззах вилояти бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлиmlари томонидан 7 ой давомида 282 та оила яраштирилди.

Илбс ТАЙМАКОВ,
МИБ Дўстлик тумани бўлими бошлигининг ўринбосари

УЛОВИ ҚАРЗ ҲИСОБИГА КЕТДИ

МИБ Яққасарой тумани бўлимида жиноят ишлари бўйича Сирғали тумани судининг Т.Маҳмудовдан З.Хушматовга 5200 АҚШ доллари ундириш ҳақидаги ижро ҳужжати мавжуд.

Қонун талабига кўра Т.Маҳмудовга қарзини тўлаш учун 15 кунлик ихтиёрий муддат берилган.

Афсуски, бу муддатда фуқаро қарзини тўламаганидан сўнг мажбурий ижро ҳаракатларига киришилган. Қарздорга тегишли, бошланғич баҳоси 41 млн. 688 минг 406 сўм бўлган «Ласеттги» автомобил 2020 йил 15 июль куни хатланиб, шу куни онлайн аукционга чиқарилган.

4 август куни автомобиль 58 млн. 363 минг 768 сўмга сотилди ва тушган пул З.Хушматовнинг ҳисобрақамига ўтказиб берилди. Шу тариқа ижро ҳужжати таъминланди.

Абдихамит МАННАНОВ,
МИБ Яққасарой тумани бўлими бошлиғи

СОЛИҚ УНДИРИЛДИ

Мажбурий ижро бюроси органлари солиқ қарзини ундириш чораларини кўрмоқда.

Хусусан, Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекциясининг 2020 йил 5 июндаги «Асака дон маҳсулотлари» АЖнинг 893 млн. 347 минг 189 сўм солиқ қарзини мулк ҳисобидан ундириш белгиланган қарори Мажбурий ижро бюросининг Асака тумани бўлимига келиб тушган.

Мазкур ҳужжат бўйича бўлим ходимлари томонидан олиб борилган ижро ҳаракатлари натижасида «Асака дон маҳсулотлари» АЖдан 893 млн. 347 минг 189 сўм ундирилиб, давлат бюджетига ўтказилди.

Шавкатбек ХАМИДОВ,
МИБ Асака тумани бўлими бошлиғи

ҲЕЧ БИР ФАРЗАНД ОТАСИГА БЕГОНА БЎЛМАСИН

Ажрашганлар орасида фарзанд тарбияси, эҳтиёжи билан қизиқмайдиганлари оз эмас. Ҳолбуки, Асосий қонунимизнинг 64-моддасида ота-оналар фарзандларини вояга еттунига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурлиги қайд этилган.

Ажрашган айрим ота-оналар фарзандининг тарбиясида умуман иштирок этмаслиги ачинарли ҳолат. Шу боис Мажбурий ижро бюроси ходимлари суд ва бошқа органларнинг ҳужжатларини ижро этиш жараёнида болалар тақдирига бефарқ бўлмаган ота-оналарни яраштиришга ҳам ҳаракат қилмоқда.

Хусусан, фуқаролик ишлари бўйича Қарши туманлараро судининг 2020 йил 12 июндаги Ф.Турдимуродовдан Х.Авазовага фарзандининг моддий таъминоти учун алимент ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати бўйича бюронинг Қарши шаҳар бўлими ижрочилари томонидан олиб борилган тушунтиришлар

натижасида 7 июль куни оилавий келишмовчиликка чек қўйилди.

Н.Худойбердиев ва Д.Эштемирова ҳам ажрашган эди. Уларнинг икки фарзанди учун алимент тўлаш белгиланган эди. Тушунтириш натижасида бу оила ҳам тикланди.

Карантин даврида бюронинг Дехқонobod тумани бўлими ходимлари ҳам оилаларни яраштиришда жонбозлик кўрсатмоқда. Жумладан, фуқаролик ишлари бўйича Кумқўрғон туманлараро судининг 2020 йил 10 июндаги буйруғига асосан Н.Эргашевдан Р.Имомовага икки фарзандининг моддий таъминоти учун алимент ундириш белгиланган. 8 июль куни бу оила ҳам ярашгани муноса-

бати билан Р.Имомованинг ари-засига асосан ижро ҳужжати яқунланди.

Шунингдек, фуқаролик ишлари бўйича Гузор туманлараро судининг 2020 йил 4 мартдаги Ш.Донаевдан С.Жовлиевага фарзандининг моддий таъминоти учун алимент ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати юзасидан ҳам тарафларни яраштиришга эришилди.

Жамиятимизнинг асосий бўлган оилалар мустаҳкам бўлиб, ҳеч бир фарзанд ота-она меҳрига зор бўлмасин.

Асқар ПАЙЗИЕВ,
МИБ Қашқадарё вилояти бошқармаси бошлигининг ўринбосари

Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 6 октябрдаги «Алиментларни олдиндан тўлаш, шунингдек, алимент тўлаш мажбуриятини таъминлаш бўйича гаров шартномасини тузиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори билан вояга етмаган болалар таъминоти учун алиментларни олдиндан тўлашда гаров шартномасини тузиш тартиби белгиланган.

Мазкур қарор моҳиятини аҳолига етказиш борасида қатор тарғибот тадбирлари амалга оширилган бўлиб, бунинг натижасини бюронинг Тупрокқалъа тумани бўлими мисолида кўришимиз мумкин.

Фуқаролик ишлари бўйича Богот туманлараро судининг 2019 йил 19 февралдаги буйруғига кўра Ж.Қуръзовдан О.Усмоновага фарзандининг таъминоти учун ҳар ойлик даромадининг 1/4 қисми миқдорда алимент ундириш белгиланган.

Тарғибот натижасида тарафлар келишиб, Ж.Қуръзов О.Усмоновага фарзанди вояга еттунига қадар тўлаши керак бўлган 151 млн. сўм алиментни олдиндан тўлаб берди.

Мажбурий ижро бюросининг Нукус тумани бўлимида алимент билан боғлиқ 250 дан ортиқ ижро ҳужжат мавжуд. Масалан, фуқаролик ишлари бўйича Нукус туманлараро судининг 2016 йил 21 июлдаги ижро варақасига асосан А.Отиевдан М.Жиянбаевага икки фарзандининг таъминоти учун ойлик даромадининг 1/3 қисми миқдорда алимент ундириш белгиланган.

Мазкур ҳужжат бўлимига 2017 йил 20 августда келиб тушган бўлиб, ижро ҳаракатлари олиб борилган ва А.Отиев шу кунгача алиментни ўз вақтида тўлаб келган. Лекин ҳозирги карантин даврида ота ишсиз қолгани боис 4 ойдан буён алимент тўламаётган эди. Бўлим ижрочилари қарздор отага алимент тўламаслигининг ҳуқуқий оқибатини ва ўзининг иккита уйдан бирини фарзандлари ёки собиқ турмуш ўртоғига ҳадя қилса ижро иши таъминланганини тушунтирди. Натижада А.Отиев собиқ турмуш ўртоғи билан келишиб, Нукус тумани «Баканшакли» ОФЙдаги уйини фарзандининг номига расмийлаштириб берди. Шу сабабли ижро иши «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонуннинг 41-моддасига асосан таъминланди.

Шахриёр ФАЙЗИЕВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги МИБ бошқарма бош инспектори

Фуқаролик ишлари бўйича Тойлоқ туманлараро судининг қарори билан М.Назаровдан М.Ҳамидовага вояга етмаган фарзандининг моддий таъминоти учун алимент ундириш белгиланган. Бу ҳолат бўйича Мажбурий ижро бюросининг Ургут тумани бўлими томонидан ижро иши юритилган.

Қейинги вақтларда М.Назаров алимент тўламай келаётган эди. Карантин шароитида муқим даромади бўлмаган, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини қўллаб-қувватлаш нақадар муҳимлиги, айниқса бугунгидай оғир кунларда фарзандларини ташлаб қўймаслик ҳар бир отанинг бурчи экани ётти билан тушунтирилди. Бундан тўғри ҳулоса чиқарган қарздор шу куни фарзанди таъминоти учун 23 млн. 388 минг сўм пулни тўлаб берди.

Абдулло САТТОРОВ,
МИБ Самарқанд вилояти бошқармаси инспектори

Ўзбекистонга хорижий сайёҳларни олиб келадиган чартер рейсларга субсидия ажратилади.

ЎЗ ҚАРМОҒИГА ИЛИНДИ

Баҳорнинг илк кунлари эди. Ҳаво очик, қуёш чарақлайди, лекин Сарвиҳоннинг (исм-фамилиялар ўзгартирилган) дили ёришмайди. Котиб бўлиб ишлаётганига энди уч ой бўлди. Тажрибасизлиги туфайли адашди.

Маҳалладаги оилалардан бирига икки ёшгача фарзанди учун 484 минг сўм ортқича нафақа тўланибди. Сарвиҳон нафақа нотўғри тўланганини аниқлаган Фарғона тумани молия бўлимининг ҳисоб ва ҳисобот шўъбаси мудирига учради. Ўттиз тўрт яшар Алиҳонни шайтон йўлдан урди.

– Далолатнома тузилади, – дея гапни узокдан бошлади. – Бунга йўл қўйган ходим жавобгарликка тортилади. Нотўғри тўланган пул банкнинг махсус ҳисобрақамига топирилади. Сизга ёрдам беришим мумкин. Бу масала бўйича вилоят молия бошқармасидан сўраб натижасини айтаман.

Бир неча кундан кейин кўнғироқ қилган МФЙнинг котибига учраб кетишини тайинлади. – Куруқ келдингизми, вилоят ходимлари олдида хижолат бўлаётми, – деди ҳисобрақамини бераётиб. – Улар нотўғри тўланган пулни тўламай турсин деб топширик беришди.

– Янги ишга кирганман, қўллаб юборинг. – Икки юз минг сўм сўрашди. Вилоятдаги ходимларга «кизмат ҳақи»ни бериб, нотўғри тўланган пулни тўғри сарфланган қилиб тўғри қўйиб берди.

Сизга маъмурий баённома тузилмайди. Гап орамизда қолади.

Алиҳон молия идоралари маъмурий жавобгарликка тортиш ваколатига эга эмаслигини яхши биларди. Сарвиҳоннинг масаласини вилоят молия бошқармаси ходимлари билан гаплашиб, ишнинг тўғри беришини айтиб алдади, пора беришга ундади. Аслида биров билан гаплашмаган, алда олган пулни ҳеч кимга бермоқчи эмасди. Шоввоз мудир ўзи ташлаган қармоққа илинди.

Сарвиҳон кўнғироқ қилганида «келаверинг, хонамдаман» деди. Котиб мутахассисга пулни бериб чиққанидан сўнг хонага ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимлари ҳолислар билан кириб келишди. Шимининг орқа чўнтагидан икки юз минг сўмни олиб берган Алиҳон Самиев дастлабки терговда ҳам, судда ҳам қилминига тўлиқ иқрор бўлди. Унга муайян муддат молия-банк соҳасида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этган ҳолда озодликни чеклаш жазоси тайинланди.

Олимжон ДУСТОВ,
Фарғона тумани прокурорининг катта ёрдамчиси

ТУГАЛ БЎЛОЛМАГАН ТЎРТОВЛОН

Жиноят ишлари бўйича Муборак тумани судида Шерзод Ҳайдаров, Жамшид Тўймуродов, Зариф Жўраев ва Озоджон Худойназаровнинг жиноят иши кўрилди.

Муборак туманидаги 20-мактабни девор билан ўраб олаётган, қурилиш тўхтаб қолмаслиги учун менга айтган пулимни бериб туринг, 2018 йил март ойининг охирида қурилишни якунлаб, олинган фойдадан пулингизни устига қўшиб қайтараман, агар бера олмасам, уйимни номингизга расмийлаштириб бераман...

Шерзод Ҳайдаров 2017 йил 27 декабрь куни таниши Муқаддас Очиловани шундай авради.

Шу тарзда М.Очиловдан бўлиб-бўлиб 55 млн. сўм пул олиб, жингилдонига урди. У ёғини сўрасангиз, мактабдаги девор ва ундан келадиган фойда ҳақидаги гаплар ҳам у тўкиган чўпчак бўлиб чикди.

Бундан ташқари, Шерзод Жамшид Тўймуродов, Зариф

Жўраев ва Озоджон Худойназаров билан жиноий тил бириктириб, бошқа жиноятга ҳам қўл уришди.

Икки йил аввал Ш.Ҳайдаров «Nexia» автомашинасида авария содир қилган ва бунинг оқибатида Тошкентдан кийим-кечак олиб қайтаётган Ю.Қўлдошева ҳам жароҳат олганди.

Шундан сўнг Ш.Ҳайдаров маъмурий жавобгарликка тортилиб, ундан Ю.Қўлдошевга 2 млн. сўм ундириш белгиланган эди. Аммо Шерзод ваъдадан нарига ўтмасдан, бу пулни тўлашни ҳам пайсалга солиб келарди. Охири тоқати тоқ бўлган аёл Шерзодга «ўша пул сенга садақа» кабилида СМС хабар ёзиб юборди. Аёلнинг турмуш ўртоғи ва Шерзоднинг телефон орқали мулоқотида ораларидан

гап қочиб, улар бир-бирларини ҳақоратлашгача бориб етишди. Шерзодда у билан юзма-юз гаплашиб, аламини олиш фикри туғилди. Юқорида айтилган шेरликлари билан мазкур маҳалла худудидаги эски чойхона ёнига Баҳодирни чақириб, уни турмуш ўртоғининг кўз ўнгида дўшпослашди.

Орадан бир ой ҳам ўтмасдан Жамшид Тўймуродов Озоджон Худойназаров билан яна бир жиноятни содир эттиди. Улар 2019 йил 1 май куни соат 21:30 ларда «Муборак» ресторанига кириб келиб, туғилган кунини нишонлаётган Шерзодбек Худойбердиев билан жанжал чиқаришди. Сўнг уни ҳам аёвсиз дўшпослашди...

Судда судланувчилар ўз айбига иқрор бўлиб, пушаймон эканликларини билдиришди.

Суд ҳукмига кўра Шерзод Ҳайдаровга 4 йилу 6 ой, Жамшид Тўймуродовга 4 йилу 2 ой, Зариф Жўраевга 4 йилу 3 ой, Озоджон Худойназаровга 4 йилу 4 ой озодликни чеклаш жазоси тайинланди.

«Тўртовлон тугал бўлса, бўлмас ишни дўндирар, олтовлон ола бўлса, оғзидагин олди-рар» дейди халқимиз. Зўравонлик йўлида бириккан тўртовлон эса қилмишларига яраша жазосини олишди.

Ғалибжон ТўРАЕВ,
Муборак тумани прокурорининг ёрдамчиси



СОДДА БЎЛМАНГ!

Шербек ўз ишлари билан банкка борганда у ерда ишлайдиган Лобар билан танишиб қолди. Оилали бўлса-да қизни авради, ҳали бўйдоқ эканини айтиб, унинг қўйини пуч ёнғоққа тўлдирди. Йигитнинг гапларига ишонган Лобар ширин хаёллар суриб, у билан оила қуришига ишониб юрди.

Ўша пайтлари Лобар банк филиалининг 108 млн. сўм кредитига «Жентра» автомашинасини олди. Машина салондан чиққандан сўнг ўзининг номига расмийлаштирди. Ишончнома билан машинани Шербекка бериб қўйди. Кредитни ҳам Шербекнинг ўзи тўлаб борди.

Орадан бир йил ўтди, Шербек пулга муҳтож бўлиб, «Жентра»-ни машина бозорига олиб чиқди.

Шу куни Самад ҳам машина кўриш мақсадида бозорга чиққанди. Шербекнинг машинасини кўргач, маъқул келди. 10500 АҚШ долларига келишишди. Самад шу ерда 7800 доллар берди. Шербек машина Лобарнинг номида эканини айтди.

– Расмийлаштиришда муаммо бўлмайdimи? – хавотирланиб сўради Самад.

– Ҳеч қандай муаммо бўлмайди. Иккиланманг, хавотирланманг, – деб Шербек уни тинчлантирди.

Машина тақикда турганини яширди.

Орадан икки кун ўтар-ўтмас Самад телефон қилди:

– Алдаб сотибсан, машина тақикда экан-ку.

Шербек «сҳеч қандай тақикда турмайди» деб уриб енгди.

– «Атлас» супермаркетининг олдига кел, гаплашиб оламиз, – деди Самад.

Шербек учрашувга келмади, унинг кўнғироқларига жавоб ҳам бермади. Эртаси куни шу жойда учрашишди.

– Мана машинанг, пулимни қайтар, – деди Самад ғазабланиб.

Шербек таниши Давлатни чақирди. Икковлашиб Самадни тинчлантиришга уринди.

– Ака, мана менинг «Ласетти»мни олинг, – деб кўрди Давлат. Лекин Самад кўнмади, «машинанинг эгаси билан кўриштирасан» деб туриб олди.

Шербек Лобарнинг олдига бориб, вазиятни тушунтириб олиб келди. У машинанинг пулини олгани ҳақида тилхат ёзиб берди.

Бир неча кундан кейин яна учрашиб, нотариал идорада машинани расмийлаштириб берди ва Самаддан яна 600 доллар олди.

Шербек машинани сотгач, кредитни тўламай қўйди. Россияга ишлашга кетиб қолди.

Уч-тўрт ойдан кейин банк филиали ходими Самадга кўнғироқ қилиб, Лобарга тегишли «Жентра» банкнинг ҳисобида гаров сифатида турганини, агар банкка 85 млн. сўм пулни тўламаса, машина олиб қўйилишини айтди.

Алданиб қолган Самад тегишли жойга мурожаат қилди.

Россиядан қайтиб келган Шербек кредитни тўлади, Самадга етказилган моддий зарарни ҳам қоплади.

Суд мажлисида Лобар ҳам, жабранувчи Самад ҳам судланувчига нисбатан даъвоси йўқлигини билдиришди. Суд ҳукми билан Шербекка базавий ҳисоблаш миқдорини 125 баравари миқдорда жарима солинди.

Ишонувчанлик курсин. Ёлғон сўзлашга одатланмаган одамлар ҳаммани ўзига ўхшатади, гапларига ишонади. Шербек сингарилар эса ўз манфаати йўлида соддадиллардан фойдалиниб қолишади.

Темур ҚОДИРОВ,
Самарқанд вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси

Прокуратура органлари тизимида кўп йиллар хизмат қилиб, юртимизда қонунийликни мустаҳкамлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган прокуратура фахрийси Панжи Махманазаров табаррук 60 ёшни қарши олмоқда.



У тизимдаги узоқ йиллик меҳнат фаолияти давомида Сурхондарё вилояти прокуратураси органларида турли лавозимларда самарали хизмат қилиб, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби касбий вазифаларни бажаришга масъуллат билан ёндашди.

Иш жараёнида жамоа ходимларига нисбатан талабчан, ҳамфикр, ўз соҳасида ҳам, жамоат ишларида ҳам соғлом рақобатнинг яратувчиси бўлди.

Панжи Махманазаровнинг узоқ йиллик самарали меҳнатлари прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳолалиб, бир неча мартаба тақдирланган.

Хурматли Панжи Холиазарович, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга сизхат-саломатлик, хонадонингизга файзу барака тилаймиз!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази

NIGOH

СИНГАПУР ПРОКУРАТУРАСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Сингапур бош прокурори мамлакат ҳукумати ва прокурорларнинг ҳуқуқий маслаҳатчиси ҳисобланади.

Сингапур Бош прокуратурасининг идораси 1867 йилда ташкил этилган. Мамлакат бош прокурори конституциянинг 35-моддасига асосан бош вазир билан маслаҳатлашилган ҳолда Сингапур президенти томонидан лавозимга тайинланади.

Бош прокурор икки хил функцияни бажариш билан бирга, ҳукумат ва прокуратура органларида юрист-маслаҳатчи сифатида бешта йўналишда ҳуқуқий маслаҳатлар беради.

Бош прокуратуранинг фуқаролик бўлими вазирликлар ва давлат органларига ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳат бериб, шартнома ва ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш, текшириш, шунингдек, халқаро низоларни ҳал қилишда иштирок этади.

Бош прокуратуранинг халқаро бўлими барча давлат идораларига, вазирликларга ва халқаро ҳуқуқ бўйича тартибга солувчи кенгашларга ҳуқуқий маслаҳат беради, икки ва кўп томонлама музокараларда, халқаро савдо билан боғлиқ низоларда ва бошқа халқаро форумларда мамлакат номидан иш олиб боради, ҳуқуқий ёрдам ва экстрадиция тўғрисидаги расмий сўровларни кўриб чиқади.

Бош прокуратуранинг қонунчилик бўлими қонун ҳужжатларининг лойиҳаларини тайёрлайди, давлат органларига қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклиф

беради, бизнес ва менежмент гуруҳига ёрдам кўрсатади.

Бош прокурорнинг жамоат айбловчиси сифатидаги ваколатларини жиноят ишлари бўйича бошқарма ҳамда технологик ва молиявий жиноятларга қарши кураш бошқармаси амалга оширади. Бош прокурор судда қатнашиш ва жиноят иши юзасидан фикр билдириш ҳуқуқига эга.

Жиноят ишлари бўйича бошқарма жиноят ишлари устидан назорат олиб боради, дастлабки терговда тўпланган далилларни ўрганади ва баҳо беради, жиноят ишлари бўйича судларда давлат айбловини қувватлайди, технологик ва молиявий жиноятларга қарши курашиш бошқармасига тегишли ишлар бундан мустасно.

Технологик ва молиявий жиноятларга қарши курашиш бошқармаси жиний уюшмалар содир этган жиноятларни, шунингдек, тижорат, коррупция ва кибержиноятчилик билан боғлиқ жиноят ишларини назорат қилади.

Сингапурда жиноят ишлари бўйича дастлабки терговни прокуратура ёки полиция ўтказиши. Полиция шахсий жиний жавобгарликка тортиш ҳақида қарор қабул қилса-да, прокурор якувий тўхтамага келсади, яъни прокурор айбловни ўзгартириши ёки олиб ташлаши мумкин.

Юртимизда қонунийликни мустаҳкамлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган инсон, прокуратура фахрийси Гулбахор Исраилова кутлуг 60 ёшни қарши олмоқда.



Гулбахор Исраилованин узоқ йиллик меҳнат фаолияти прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳолалиб, бир неча мартаба рағбатлангирди.

Хурматли Гулбахор Исмаилова, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга мустаҳкам соғлиқ, оилавий тотувлик, хонадонингизга тинчлик-осойишталик ҳамда фаровонлик тилаймиз!

У прокуратура органлари тизимидаги меҳнат фаолияти давомида жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди.

Ишлаш даврида ижобий фаолият кўрсатиб, изланувчанлиги ва адолатпарварлиги туфайли ҳамкасбларининг ҳурмат-эътиборига, ишончига сазовор бўлди.

Сингапур жиноят-процессуал қонунчилиги асосан прокурор ишни тергов қилиш учун терговчига юборади, айрим ҳолатларда коррупцияга қарши курашиш хизмати директори ёки полицияга банкдаги ҳисобрақамларни, акцияларни, харажат тўғрисидаги ҳисоботларни ёки коррупцияга дахлдор бошқа ҳар қандай маълумотни текшириш ҳуқуқини бериши мумкин.

Осиё-Тинч океани минтақасидаги бошқа давлатлардан фарқли ўлароқ, Сингапурда хусусий прокуратура тизими ҳам бор. Бунда терговчидан ташқари жабранувчининг ўзи ҳам хусусий айблов билан судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

Шахсни айбдор ёки айбсиз деб топиш фақат суднинг ваколатига қиради ва жиноят ишлари судда кўришда прокурорнинг иштироки устувор вазифалардан саналади. Прокурор суд қарорларининг қонунийлигини мунтазам равишда ўрганиб боради.

Хулоса қилиб айтганда, Сингапурда прокуратура органлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар орасида муҳим ўрин тутади. Прокурорлар нафақат жиноят ишлари бўйича дастлабки тергов ёки судда айблов функциясини, балки ушбу жараёни назорат қилиш функциясини ҳам амалга оширади.

Зафарбек ТУРСУНОВ,
Бош прокуратура академияси катта ўқитувчиси



Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqiriz qilinmaydi va egalariга qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

«HUQUQ» materiallari ko'chirib bosilganda manbaa sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. [f] – tijorat materiallari.

Buyurtma v-4274.
15 707 nusxada bosildi.
Qo'g'oz bichimi A-3, hajmi 3 bosma toboq.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: **U.DEXKANOV**
Sahifalovchi: **S.BABAJANOV**

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi 231

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.

Korxonaga manzil: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617



Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Нигматилла Йўлдошевга волидаи муҳтарамаси **САИДА** аянинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Ташкент шаҳар прокуратураси жамоаси шаҳар прокуратураси бўлим бошлигининг ўринбосари Санжар Холматовга акиси **Зафар ХОЛМАТОВ**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси жамоалари ҳамда Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази прокуратура фахрийси **Ислам НУРАДДИНОВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Бош прокуратура ҳузуридаги Департаментнинг Хоразм вилояти бошқармаси жамоаси вилоят бошқармаси фахрий ходими **Бахтиёр ЖУМАНИЕЗОВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Республика Ҳарбий прокуратураси жамоалари ҳамда Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази прокуратура фахрийси **Аслам ХОЛИҚОВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

Бош прокуратура ҳузуридаги Департамент ва Департаментнинг Бухоро вилояти жамоалари Бухоро шаҳар бўлими инспектори **Миршод ХУСЕНОВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси жамоаси Ҳарбий прокуратура бўлим бошлиғи Қобил Анарбаевга падари бузруквори **Нарбек АНАРБАЕВ**нинг вафоти муносабати билан таъзия билдиради.



ЎЗБЕКИСТОН ОСИЁ ҲАММОНЛАРИГА МЕЗБОНЛИК ҚИЛАДИ

2020 йилнинг 7 августида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2025 йилда Ўзбекистонда ёшлар ўртасидаги IV ёзги Осиё ўйинларини ўтказишга тайёргарлик кўриш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Хабарингиз бор, Осиё олимпия кенгаши ижрокўмининг 2019 йил 28 сентябрь куни Қатарнинг Доха шаҳрида бўлиб ўтган 73-йигилишида Тошкент шаҳрида 2025 йили ёшлар ўртасида IV ёзги Осиё ўйинларини ўтказишга розилик билдириш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Хукумат қарорига мувофиқ маъмурият ҳуқуқлари мусобақани юқори савияда ўтказиш мақсадида Ўзбекистон миллий олимпия қўмитаси ҳузурида «Тошкент – 2025» ёзги Осиё ўйинларини ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби ҳамда чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Шунингдек, илғор давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, Осиё ўйинларини

юқори савияда ташкил этиш мақсадида давлат муассасаси шаклидаги «Тошкент – 2025» ёзги Осиё ўйинларини ўтказиш дирекцияси тузилади.

Дирекция зиммасига Ўзбекистонда Осиё ўйинларини ўтказиш бўйича Осиё олимпия кенгаши билан Ўзбекистон ҳукумати ўртасида шартнома ва қафолат ҳақларини имзолаш тадбирларини ташкил этиш, Осиё олимпия кенгаши ва спорт турлари федерациялар билан ҳамкорлик қилиш, мусобақа ўтказиладиган иншоотлар ва бошқа объектларни Осиё олимпия кенгаши ва халқаро спорт федерациялари талабларига мувофиқ тайёрлаш каби вазифалар юклатилган.

ЖАСУР ЯХШИБОВЕВ ЕВРОПА ЛИГАСИДА ҲАММОНЛАДИ

Европа лигасининг янги мавсуми старт олмақда. Навбатдаги мусобақа 20 августдан бошланади ва финал ўйини 2021 йилнинг 26 май куни Польшанинг Гданьск шаҳрида ўтказилади.



Ушбу мусобақада Беларусь шарафини ҳимоя қиладиган Солигорскнинг «Шахтёр» жамоаси саралашнинг биринчи босқичдан қатнашади.

Ҳамюртимиз Жасур Яхшибоев тўп сураётган «Шахтёр» клуби биринчи ўйинини Молдованинг «Сфинтул-Георге» жамоасига қарши ўтказди. Бу раунд битта

учрашувдан иборат бўлади ва кучлар тенг келган тақдирда қўшимча вақт берилади. Шунда ҳам голиб аниқланмаса, пенальтилар серияси ўтказилади. Голиблар иккинчи босқичга йўлланма олади. Биринчи саралаш босқичи ўйинлари 27 август куни ўтказилиши режалаштирилган.

ТАЙСОННИНГ ЖАНГИ БОШҚА МУДДАТГА КЎЧИРИЛДИ



Бокс бўйича оғир вазнда жаҳоннинг собиқ мутлақ чемпиони Майк Тайсон ва тўрт вазнда собиқ жаҳон чемпиони Рой Жонс ўртасидаги жанг бошқа санага кўчирилди.

«The Ring»нинг хабар беришича, 12 сентябрга белгиланган жанг ўзаро келишувга кўра 28 ноябрга кўчирилди.

Ахборот манбасига кўра жангни кеч кузга суриш таклифи Тайсон жамоасидан чиққан: шундай қилинса кўпроқ даромад олинаркан. Жонс жамоасига ҳам ташаббус маъқул келиб, таклифни қабул қилган.

МЕССИ «ИНТЕР»ГА ҲАММОНЧИМИ?



«Mediaset»нинг хабар беришича, Лионел Месси отасининг ортидан ўзи ҳам «Интер» клуби бош қароргоҳи қаршисидаги бинодан уй сотиб олибди. Албатта, бу хонадон оддий сармоя бўлиши ҳам мумкин, лекин шамол бўлмаса даромаднинг учи қимирламайди.

«La Gazzetta dello Sport» анчадан бери Месси ва «Интер» мавзусига урғу бермоқда. Бу масалада кўп нарса Мессининг «Барселона» клуби билан шартномасини узайтириш ёки узайтирмаслигига боғлиқ. Агар футболчи янги шартнома имзолашдан бош тортса, «Интер»га пул тикаётган Хитойнинг «Suning» корпорацияси ва «Интер» уни ўз сафига қабул қилишга шай.

«РЕАЛ» ЯНА ДИБАЛА ВАРИАНТИГА ҚАЙТДИ



«Туриннинг «Ювентус» клуби футболчиси Пауло Дибалага Мадриднинг «Реал» клуби жиддий қизиқиш билдирмоқда», дея хабар берди «Sport Mediaset».

Манбанинг ёзишича, «Реал» футболчи борасида «Ювентус»га таклиф юбормоқчи. Мадридликлар Дибала учун 100 миллион евродан кўпроқ пул сарфлаш ниятида. Ҳатто бу пулга Иско ёки Тони Кроосни қўшиб беришга ҳам тайёр.

«Реал» ҳали бу таклифни «Ювентус»га юбормади, лекин клубнинг Дибалани сотиб олишга иштиёқи кучли. Шу билан бирга, «Ювентус» аргентиналик футболчи борасида тушадиган таклифларни кўриб чиқмоқчи эмас. Бундан ташқари, «Ювентус» Дибала билан янги шартнома борасида келишувга эришган. Дибаланинг ўзи ҳам «Ювентус»дан кетмоқчи эмас.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди